



Ashonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2010-yil 17-iyun № 72 (2797) payshanba

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти тўғрисида АХБОРОТ

Шу йилнинг 16 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Сухбат чоғида Ўзбекистон раҳбари кейинги кунларда Қирғизистон Республикаси жанубида, Ўш шаҳри ва Жалолобод вилоятида уюшган босқинчи тўдалар томонидан тинч аҳолига, биринчи навбатда, ўзбек миллатига мансуб аҳолига нисбатан жазосиз қолаётган қотилликлар, зўравонликлар, қирғин ва ўт қўйишлар ҳақидаги аниқ маълумотлар, рақамлар ва далилларни батафсил баён этди.

Юзлаб қурбон бўлганлар, шунингдек, жабр кўрганлар, жароҳатланганлар орасида минглаб ўзбек миллатига мансуб фуқаролар бор.

Тинч аҳоли ва Қирғизистон муваққат ҳукумати раҳбари Р.Отунбоевнинг мурожаатидан сўнг қочқинларни қабул қилиш учун Ўзбекистон чегараси очилди. Бугунги кунда асосан аёллар, болалар ва кексалардан иборат қочқинларнинг сони 70-80 мингдан ошади. Бу, ўз навбатида, уларга ёрдам, биринчи навбатда, тиббий ёрдам кўрсатиш, дори-дармон етказиб бериш ва барча зарур нарсалар билан таъминлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда.

Қочқинлар учун барча зарур шарт-шароит яратилди ва яратилмоқда: беморлар, шунингдек, ҳомиладор аёллар шифохоналарга жойлаштирилди, ҳамма эҳтиёж-мандларга профилактик тиббий ёрдам кўрсатилмоқда, маиший шароитлар яратилмоқда, уч маҳал овқат билан таъминланмоқда. Вазият аввало қочқинлар оқимининг кўпчилиги, уларнинг жисмоний ва рухий ҳолати туфайли мураккаб-лашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти жабр кўрган одамлар оғир аҳволда қолганини инобатга олиб, ҳозирча фақат БМТ тузилмалари ва айрим давлатлар томонидан таклиф этилаётган ёрдамни тезлаштириш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Ёрдам тариқасида келаётган юрларнинг ҳаракати йўлидаги оралиқ бўғинларни камайтириш ва уларни дахшатли қирғиндан жабр кўрганлар жойлаштирилган ерларга бевосита етказиб бериш мақсадга мувофиқ экани қайд этилди.

Ушбу жараён юзасидан гоят қатъий назорат ўрнатиш муҳимлиги таъкидланди.

БМТ Бош котиби, ўз навбатида, Қирғизистон жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисидаги маълумотлар, БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларига жабрдийдалар жойлашган лагерларга очик ва эркин кириб-чиқиш учун яратилган имконият учун миннатдорлик билдирди, шунингдек, фалокат зоналарида вазиятни барқарорлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

БМТ Бош котиби ёрдам кўрсатиш борасидаги барча ишларни шахсан ўзи мувофиқлаштириб бораётганини ҳамда Қирғизистон жанубидаги аҳолини қўллаб-қувватлашнинг самарадорлигини ошириш ва жабр кўрган аҳолига бевосита ёрдам кўрсатиш бўйича барча зарур чораларни кўраётганини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, деди жаноб Пан Ги Мун, Қирғизистон жануби ва бутун мамлакатдаги вазиятни бевосита назоратга олган ва вазиятни барқарорлаштириш бўйича тезкор чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизга сафарим ниҳоясида Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукуматига самимий миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Давлат ташрифим асносида Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон ҳукумати томонидан менга ва делегациямиз аъзоларига кўрсатилган иззат-икром ва самимий қабул Ўзбекистон халқининг Хитой халқига чуқур ҳурмат-эҳтиромидан яна бир далолат бўлди. Биз Сиз, Жаноби Олийлари билан очик, теран ва самарали музокара-лар ўтказиб, икки томонлама муносабатлар, ўзимизни қизиқтирган гоят муҳим халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан атрофлича фикр алмашдик. Кенг кўламли масалалар бўйича ўзаро келишувларга эришилди. Хитой-Ўзбекистон муносабатларини мустаҳкамлаш нафақат мамлакатларимиз ва халқларимизнинг тўб манфаатларига мос келади, балки минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётга ҳам хизмат қилиши борасидаги фикрларимиз бир хил. Ташрифдан сўнг биз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бошқа давлатлар раҳбарлари билан Тошкент саммитида қатнашдик ва Ташкилотни янада ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олдик. Ишончим комилки, бўлиб ўтган саммит ШХТга аъзо давлатлар ўртасида бирдамлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаноби Олийлари, минтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида Сиз билан Хитой-Ўзбекистон муносабатларини, ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш учун бундан буён ҳам бор куч-гайратимни ишга солишга тайёрман.

Сизга, Жаноби Олийлари, мустаҳкам соғлик ва фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!

Ўзбекистонга юксак раванқ ва куч-қудрат, халқига бахт-саодат тилайман!

Ху Цзиньтао,
Хитой Халқ Республикаси Раиси
2010 йил 11 июн

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига муваффақиятли раислигиниз билан Сизни ва мамлакатингизни табриклашга ижозат бергайсиз. Ишончим комилки, ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг 2010 йил 10-11 июн кунларидаги Тошкент учрашуви муҳим воқеа бўлади ва келгусида янада улкан самаралар келтиради.

ШХТ анча йиллардан буён БМТ билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. БМТ ҳузурда кузатувчи мақомига эга бўлган ушбу Ташкилот БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО) ҳамда Тараққиёт дастури (ПРООН) билан ҳамкорликни кенгайтирмоқда. Айниқса, ўтган йили Ўзбекистон ШХТга раислик қила бошлаганидан сўнг икки ташкилот ўртасидаги ҳамкорлик янада фаоллашди.

2009 йил 18 декабр куни БМТ Бош ассамблеясининг Олтмиш тўртинчи сессиясида «БМТ билан Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўртасида ҳамкорлик» деб номланган А/64/183 рақамли Резолюция қабул қилинди. БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг Тошкентга ташрифи асносида 2010 йил 5 апрел куни БМТ ва ШХТ раҳбарлари ушбу икки ташкилот котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги Қўшма декларацияни имзоладилар. Буларнинг барчасини Ўзбекистон ШХТга раислигининг ижобий натижалари ва ўзбек дипломатиясининг ютуғи, деб ҳисоблаш мумкин.

Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозғистон ва ШХТнинг бошқа мамлакатлари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёнида гоят муҳим ўрин тутуди ва БМТ шафелигидаги халқаро саъй-ҳаракатларда самарали иштирок этиб келмоқда. 2009 йилнинг апрел ойидан Ўзбекистон Афғонистон пойтахти – Кобулни тўла электр энергияси билан таъминламоқда. Ўзбекистоннинг миллий транспорт тармоғи ҳар йили бир неча миллион тонна ҳаётий муҳим юрларнинг Афғонистонга ва Афғонистондан ташилишини таъминламоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бу йил Ўзбекистоннинг Термиз шаҳридан Афғонистон шимолидаги Мозори Шариф шаҳригача бўлган темир йўл линияси қурилишини якунига етказди. Буларнинг барчаси Афғонистонда тинчликни қарор топтириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Бу далиллар Ўзбекистоннинг Афғонистонда барқарорлик, тинчлик ва изчил тараққиётни таъминлашга кўрсатаётган мислсиз ёрдамнинг ёрқин ифодасидир. Ишончим комилки, яқин келажақда Ўзбекистон ушбу қардош мамлакатда амалга оширилаётган халқаро саъй-ҳаракатларга қўшаётган ҳиссасини янада оширади.

Президент Жаноблари, ШХТнинг Тошкент саммити ишида Сизга кўпдан-кўп муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,
Доктор Али АБДУССАЛОМ ТРЕКИЙ,
БМТ Бош ассамблеяси Раиси
2010 йил 10 июн

Фарғона вилоятининг Ёзёвон туманидаги 15 нафар ишчи меҳнат қилаётган «Алгоритм» кичик корхонасида асосан тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Айни пайтда тўққиз нафар касаначи ўз уйида ишлайди.

Корхонада «устоз-шогирд» анаъанасига биноан ёшларга тикувчилик сирлари ўргатилади.

Ходимларнинг мароқли дам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Айни кунларда корхона жамоаси буюртма асосида ўқувчилар сумкаси ва тез ёрдам автомашиналари ҳайдовчилари учун махсус кийим-кечаклар тикмоқда.

Суратда: корхона иш юритувчиси (ўнгда) Шоҳиста Мамадалиева ва тикувчи Хуринисо Саидова иш пайтида. М.Қодиров (ЎЗА) олган сурат.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

16 июн куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй бераётган воқеаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Мажлисида Қирғизистон Республикасининг жанубида рўй бераётган фожиали воқеалардан бутун мамлакатимиз халқи каби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ҳам қаттиқ ташвиш тортаётганликлари, жиддий хавотирда эканликлари таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон парламенти аъзоларининг ишончи комилки, фожиали воқеалар ортида зимдан иш олиб бораётган, қирғиз халқининг манфаатлари ўзи учун ёт бўлган кучлар турибди. Улар Қирғизистон жанубида миллатлараро низо кўзга таш, вазиятни беқарорлаштириш ниятида узоқни кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар.

Қонунчилик палатаси депутатлари фожиали воқеалар янада кучайиб кетишига йўл қўймаслик ва мамлакатда тартибни тиклаш юзасидан Қирғизистон тарафининг жадал чоралар кўриши муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон парламенти аъзолари кўп асрлардан буён турли миллат ва элатлар бир тан, бир жон бўлиб яшаб келаётган, елкама-елка туриб меҳнат қилаётган Қирғизистоннинг соғлом кучлари ҳозирги оғир кунларга, зўравонликка барҳам бериб, вазиятни барқарорлаштиришга, Қирғизистоннинг кўп миллатли халқи тинч-тотув яшашини таъминлашга қодир, деб ишонч билдирдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари Қирғизистоннинг бошига мусибат тушган аҳолисига тиббий, инсонларварлик ёрдами кўрсатиш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган кенг миқёсли чоралар ўз вақтида бўлаётганлиги ва муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар, шунингдек, давлатимиз бошлиғи раҳбарлигида Ўзбекистон томонидан олиб борилган минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган сиёсатни тўла-тўқис қўллаб-қувватладилар.

(ЎЗА)

Модернизация шарофати

Замон билан ҳамнафас

Саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва модернизация қилишга ҳамма жойда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йилда 65 та янги корхона ишга туширилиб, 40 тасида ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди.

Бунинг эвазига 28 млрд. сўмлик инвестиция жалб этилди. Натижада, соҳа бўйича 1300 та янги иш ўринлари яратилди. Масалан, Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон-Россия инвесторлари иштирокида йилига 3 минг тонна ип калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Дака Текс» корхонаси ишга туширилди. Бундан ташқари, Жомбой туманида Ўзбекистон-Туркия инвесторлари иштирокида йилига 60 минг тонна калцит ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Жомбой жавохири» ҳамда Нарпай туманида 100 минг тонна гипс ишлаб чиқаришга қодир «Афросиёб гипс» корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Гап корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш устида кетар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг самараси «Жомбой дон маҳсулотлари» акциядорлик жамиятида ҳам яққол ўз аксини топаётганини эътироф этиш жоиз. Корхонада яқинда техник жиҳатдан анча эскирган омухта ем тайёрлаш цехи модернизация қилинди.

Илгари кўпроқ ишчи кучи талаб қилган, электр энергияси, сув ва бошқа ресурсларнинг меъёрдан ортқ даражада сарфланиши ва таннархнинг ошиб кетишига сабаб бўлган цехга ўтган йили Украинанинг «Грантех» ҳамда «Харол механик» заводларида ишлаб чиқилган 324 минг АҚШ доллари қийматида эга замонавий техник жиҳоз ва асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Натижада, цех суткасига 228 тонна сифатли омухта ем ишлаб чиқариш ва яна шунча маҳсулотни истеъмолчилар талабига кўра донадор озуқага айлантириш қувватига эга бўлди. Асосийси, цехда вилоят ички бозорини, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини маҳаллий хомашё базасида ишлаб чиқарилган омухта ем билан таъминлаш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот билан бойиштига имконият яратилди.

Айни пайтда, бундай ҳаракатлар жамиятнинг «Иссиқ нон» цехида давом эттириляпти. Бу ерда 199 миллион 980 минг сўмлик кредит ҳисобига «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан Германиядан олиб келинган «Ванхел» русумли ускуналар ўрнатилляпти. У ишга туширилгач, цехда суткасига 3 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шунингдек, уй-жой қурилиши учун ёш оилаларга фойсиз кредит бериш кенг йўлга қўйилди. Натижада, бу бизнинг соҳада ҳам амалиётга кенг жорий этилмоқда. Қишлоққа саноатни олиб кириш ва ёшларни муқим иш билан таъминлаш тобора долзарб бўлиб бормоқда. Каттакўрган туманида полиэтилен қувур ва плёнкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Rustam-Plasteks» хусусий корхонаси барқарор фаолият юритувчи корхоналар сафига қўшилгани-

ни мамнуният билан айтиш жоиз. Бу ерда қирқ нафардан зиёд ишчи-мутохассис ишламоқда, уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Улар замонавий дастгоҳ ва компьютерларни ўзлаштириб, сифатли қувурлар ишлаб чиқаришмоқда.

Корхонанинг кейинги икки йиллик фаолиятига назар ташласангиз, бу ерда тилга олса арзигулик иқтисодий ўсиш бўлганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, корхона 2008 йилда 300 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йилга келиб 500 млн. сўмлик сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришди. Натижада, ишчилар сони 15 нафарга кўпайиб, ўртача ойлик маош 500 минг сўмгача ошди.

Корхона иш бошловчиси, ёш тадбиркор Наврўз Йўлдошевнинг таъкидлашича, ўтган йили корхона цехларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш мақсадида Хитойнинг «JWELL» компаниясида ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар келтирилиши, маҳсулот сифати ва харидорчилигини оширган. Бундан ташқари, ишчилар малакасига эътибор кучайгани ҳам иш унумдорлигига таъсир кўрсатапти.

Мамлакатимизда узоқни кўзлаб қилинаётган ҳар бир иш ва корхоналарни модернизация қилишда ички ва ташқи бозорга сифатли саноат маҳсулотлари етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш, пировардида эса юрт равнақи, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади, албатта.

Собир ЖАББОРОВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудир

ҚИРҒИЗИСТОНДАН ВАҚТИНЧА КЎЧИБ КЕЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ ОЧИЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг Қирғизистон билан чегарадош туманларида Қирғизистон Республикасидан вақтинча кўчиб келганлар яшаб туриши учун махсус жойлар тайёрланди. Мамлакатимизнинг давлат ва жамоат тузилмалари, фуқаролари томонидан жабрланганларга — 75-80 мингдан ортқ кишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатилмоқда.

Жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкида қуйидаги ҳисоб рақамлари очилди:

Хорижий валютадаги ҳисоб рақами: 20204840900278031001 MFO: 00077. SWIFT Code: PAKHUZ22; MFO 00394 JSCB «Agrobank» Andijan.

Address: 47, Pushkin str., Andijan city, Republic of Uzbekistan.

Сўмдаги ҳисоб рақами: P/C 20204000100278031008 — Андижон вилояти ҳокимлиги махсус ҳисоб рақами. Код: 00077, «Агробанк», Андижон.

Ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан Тошкент шаҳридаги штабга қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин: +99871 239-86-84, +99871 239-86-25; Факс: +99871 239-80-37; e-mail: humanitar@gov.uz

Андижон шаҳридаги штабнинг телефонлари: (8-374) 226-99-78, 226-99-80.

Бандлик

Меҳнат ярмаркаси

Марғилон шаҳридаги Маъмуржон Узоқов номли маданият ва истироҳат боғида «Меҳнат инсонни безайди» шиори остида шаҳар ҳокимлиги ҳамда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда 45 та корхона, ташкилот ва муассасалар ўзларида мавжуд 736 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Меҳнат ярмаркасида 117 нафар фуқаро ишга жойлашиш учун йўлланма олди, 301 нафар фуқарога эса мутохассислар томонидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Ярмарка якунида фуқароларни ишга қабул қилишда фаоллик кўрсатган корхона ва ташкилотларга шаҳар ҳокимлиги томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммад МАХМУДОВ

Тўртинчи ҳокимият

Матбуот конференцияси

Иқтисодий инқирозга қарши кураш чоралар дастури ижросини таъминлаш юзасидан Жиззах вилоятида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига жорий йилда 43.317 та янги иш ўринлари яратилади. Биргина собиқ пайпоқ тўкув фабрикаси ўрнида ташкил этилаётган қўшма корхонада вилоятда етиштирилган пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига 2700 та иш ўрни вужудга келади.

Шу муносабат билан вилоят ОАВ раҳбарлари, тармоқ газеталарининг муҳаррирлари, марказий нашр ва телетармоқларнинг вилоят бўйича муҳбирлари иштирокида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Сайфиддин Исмоилов ҳудудда ислохотлар жараёнининг бориши ҳақида қизиқарли маълумотларни келтирди ва журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди. Бундай тадбир ҳар чоракда ўтказиб бориладиган бўлди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» муҳбири

Танлов

Кўп ўқиган — кўп билади

Кашқадарё вилоят халқ таълими бошқармасининг Ахборот ресурс марказида «Жаҳон халқлари оғзаки ижоди билагонлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Иқтидорлилар баҳсида миллатларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити, урф-одатлари ва анъаналари соҳасидаги билимлари синовдан ўтказилди.

Кўрик-танловда Яккабоғ туманидаги 48-мактабнинг «Баркамол авлод» жамоаси энг кўп балл тўплаб, ғолибликни қўлга киритди.

Иzzат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири

Тадбир

Кўнглим гавҳарисан, Ватан!

Юқори Чирчик туманидаги Агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Баркамол авлод йили ҳамда «26 июн — гиёҳвандликка қарши кураш кунига бағишлаб «Кўнглим гавҳарисан, Ватан», «Соғлом ва фаровон ҳаёт учун» каби мавзуларда тадбир ташкил этилди.


Ушбу тадбир Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вакиллиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди.

100 дан зиёд ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этган тадбирда истиқлолга юз тутган она Ўзбекистонимиздаги

улкан ўзгаришлар ҳақида ёшларга тушунча бериш билан бир қаторда, дунё ҳам-жамиятини ташвишга солаётган ОИТС, «Одам савдоси», гиёҳвандлик иллатларининг олдини олишга қаратилган масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчик тумани

Ҳисобот-сайлов конференциялари



Фаолият ва натижа

Чирчиқ шахрида Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси Марказий кенгаши Тошкент вилояти вакилликнинг V конференцияси бўлиб ўтди. Унда вакиллик томонидан амалга оширилган ишлар чигирикдан ўтказилиб, камчиликлар ечими юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Жамоа шартномасида касабаси уюшмаси аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, дам олиш ва соғлиқни мустаҳкамлаш, меҳнат муҳофазаси, спорт, маънавият ва маърифат масалаларига алоҳида аҳамият бердик, — деди вилоят вакили Мавжуда Халилова. — Ўтган давр ичида бандлик дастурини амалга ошириш мақсадида Ангрен, Олмалик, Чирчиқ, Янгийўл шаҳар ҳудудларидаги корхоналарнинг жамоа шартномалари орқали 16340 нафар ходимлар малакаси оширилди ва бошқа касбларга қайта

ўқитилди. 1310 нафар ходимга янги иш жойлари барпо этилди. Шунингдек, тасарруфимиздаги Ангрен ва Қибрай касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 10 нафар иқтидорли фарзандларига устама стипендиялар жорий этилди.

Бундан ташқари, вилоят вакиллиги ва бошланғич ташкилотлар томонидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий-адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақини ўз вақтида тўлашнинг таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратил-

гани қайд этилди.

Ҳисобот юзасидан сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова, тармоқ касабаси уюшмаси Марказий кенгаши раиси Гулбахор Ҳакимова тармоқ вакиллиги олдида турган долзарб масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён этди.

Шунингдек, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Курултойи ҳамда вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши конференциясига делегатлар сайланди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Инсон омили эътиборда

Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилоят кенгашининг IV конференцияси уюшқоқлик ҳамда кўтаринки руҳда ўтди. Тармоқ вилоят кенгаши раиси Б.Умаровнинг ҳисобот маърузаси ўтган даврда асосий эътибор инсон омилига қаратилганлигини кўрсатди.

Жамоа шартномаларини бажариш бўйича ўрта ҳисобда бир ходимга 2005 йилда 14289 сўм сарфланган бўлса, ўтган йилнинг якунлари бўйича ушбу миқдор 76740 сўмни ташкил этди. Биргина 2009 йилда олий ўқув юртлири ишчи-ходимлари кўшимча даромад маблағлари ҳисобидан 146 миллион сўм миқдорда рағбатлантирилган, 3 миллион сўмдан ортиқ миқдорда моддий ёрдам маблағлари ажратилган. Ўрта махсус касб-хунар таълими муассасаларида аълочи-иқтидорли ўқувчиларга стипендия, кам таъминланган оилалар фарзандларига бир маҳал бепул овқат ташкил этилган.

Тармоқ вилоят кенгаши ўз сафига 807 та бошланғич касабаси уюшма ташкилоти орқали 144544 нафар аъзони бирлаштирди. Улардан 12587 нафарини талабалар, 64279 нафарини касб-хунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ташкил этади. Баркамол авлодни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида айни пайтда олий ўқув юртлири талабалари учун 5 та, ўрта махсус касб-хунар таълими ўқувчилари учун 15 та, мактаб ўқувчилари учун 100 та ва 32-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари учун 5 та вилоят кенгаши стипендиялари бериб борилмоқда.

Баркамол авлод йили муносабати билан 50 нафар ёш, ташаббускор бошланғич касабаси уюшма кўмитаси раислари ва ташкилотчиларини рағбатлантириб бориш мақсадида «Касабаси уюшма фидойиси» мукофоти таъсис этилди.

Бухоро давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги санаторий-профилакторийда 796 нафар талабани соғломлаштириш режалаштирилган. Ҳозирга қадар 340 нафар ёшлар ўз соғлиқларини тиклаш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, ҳисобот даврида 1518 нафар профессор-ўқитувчилар санаторий-профилакторийларда саломатликларини тиклаб олишди.

Сўзга чиққанлар ютуқларни эътироф этган ҳолда хато ва камчиликлар, касабаси уюшма ташкилотлари ролини янада ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Бахшилло Умаров яна таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши раислигига сайланди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳаракат ва яна ҳаракат

Қибрайдаги молия-иқтисодий коллежга келганимизда Президент Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асари асосида махсус курс ўтилатган экан. Барчанинг нигоҳи ахборот-ресурс маркази раҳбари Фарида Маликовага қаратилган эди.

— Билим масканимизда ўқувчиларнинг нафақат касбий билимини юксалтиришга, балки маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб етишишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди тажрибали педагог Абдулла Худойбердиев. — Ўзим «Маънавият асослари»дан дарс бераман. Албатта «ҳолва» деган билан оғиз чучмайди. Бунинг учун ҳаракат ва яна ҳаракат керак. Шу боис коллежimiz маъмурияти ҳамда касабаси уюшма ташкилоти билан келишган ҳолда «Маънавият ва маърифат» ҳонасини кўнгилдагидек жиҳозладик. Унга кирган ҳар бир киши маънавиятга тегишли адабиётлардан фойдаланиб, ўз билимини юксалтириши аниқ. Шунингдек, бундай хона нафақат ўқув мажмуасида, балки 100 ўринли ётоқхонамизнинг 1-қаватида ҳам фаолият кўрсатаёпти.

Маънавият ва маърифат хоналарини айландик. Турли кўргазмалар воситалари ҳамда адабиётлар дид билан териб қўйилган. Бу ерда ўқувчилар турли адабиётларни мутолаа қилиб, қундалик рўзномаларни варақлашарди.

— Мамлакатимиз раҳбарининг фуқаролари, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас, — дейди коллеж касабаси уюшма кўмитаси раиси Умрзоқ Булишев. — Негаки, келажак улар қўлида. Шуни ҳисобга олиб, ёшлар ўртасида турли тадбирлар ўтказаямиз. Шу ўринда коллеж хотин-қизлар кўмитаси томонидан ташкил этилган «Нафосат» кўргазмасини алоҳида таъкидлаб ўтишни ис-

тардим. Кўргазма давомида коллеж қизлари нафақат чуқур билимли балки қўли гул моҳир тикувчи эканликларини ҳам исботлади. Катнашчилар ўзлари тикиб келган миллий либосларини намойиш этдилар. Фаол катнашчилар муносиб тақдирланишди.

Дарҳақиқат, жорий йил бошидан буён бундай тадбирлар кўпайиб ўтказилди. «Амир Темур фахримиз ва гуруримиз» тадбирида темирчилар давлатининг куч-қудрати, адолатли давлат бошқаруви ҳақида гап кетган бўлса, «Гўзаллик оламида» давра суҳбатига эзгулик, гўзаллик, ақл-заковат, ирода ҳақида сўз юритилди. Буюк аллома Мирзо Улуғбек таваллудининг 616 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирда эса ўқувчилар томонидан ёзувчи Одил Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси» романидан парчалар намойиш этилди.

Эътиборли жиҳати барча тадбирларни ўқувчилар устозлари билан ҳамкорликда ташкил этишарди. Бунда тажрибали ўқитувчилар Ғофуржон Умрзоқов, Шавкат Файзиёв, Нодира Собирова, Шоира Исоқованинг хизмати, айниқса, таҳсинга сазовор.

— Коллежimiz ўқувчилари айни шаклланиш ёшида, — дейди билим масканининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор муовини Мирзохид Комилов. — Шу боисдан ҳар бир педагог ва ота-она уларни катта ҳаётга тайёрлаши, маънавиятини юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгаши Хоразм вилоят вакиллиги томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури талабларини бажариш юзасидан муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Комилликка интилиб...

Ҳар йили меҳнаткашларнинг минглаб фарзандлари сўлим оромгоҳларда соғломлаштириляпти. Ходимларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, меҳнатларини муносиб рағбатлантириш борасида кўриляётган чораларимиз замирида ҳам ёш авлодни комил инсонлар қилиб тарбиялашдек эзгу мақсад бор.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ниятида вакиллик томонидан 4 нафар, «Жанубгазқурилиш» ОАЖ бошланғич касабаси уюшма ташкилоти томонидан 2 нафар талабага махсус стипендиялар таъсис этилди.

«Урганчнефтбазаси» унитар корхонаси бошланғич касабаси уюшма ташкилоти томонидан 6 нафар ишчи-хизматчига, «Жанубгазқурилиш» корхонасидан 6 нафар ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилди.

«Урганчтрансгаз» шўба корхонасида 4 оилага 64 миллион сўмдан зиёд миқдорда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ мuddат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, шунингдек, уй-жой қурилиши учун фоизсиз ссудалар берилди.

Коллеж талабалари ўртасида «Соғлом турмуш тарзи», «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуларида дав-

ра суҳбатларининг уюштирилиши ёшларда салбий ҳислатларга бўлган муносабат шаклланишига сабаб бўлмоқда. Соғ баданда — соғ ақл, дейдилар. Бинобарин, спорт мусобақалари мунтазам равишда ўтказиб келинаётгани иш унумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатаёпти.

Яқинда тасарруфимиздаги корхона ва ташкилотларда ишловчи ёш ишчи-ходимлар учун семинар ташкил қилинди. Унда вилоят сиёсий таълим маркази раҳбари Шавкат Раззоқов, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анвар Худойёров, вилоят СПИД маркази поликлиника мудирини Фулом Ҳамидовлар оилада соғлом турмуш тарзи талабларига риоя қилишнинг аҳамияти, фарзандларни баркамол қилиб вояга етказишда эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлар хусусида кенг тўхталдилар.

Комилликка интилиш қонимизда бор. Шундай экан, вакилликимизнинг баркамол авлод тарбиясига қаратилган эзгу ишлари давом этади.

Светлана ХУДОЙЕРГАНОВА,
Марказий кенгашнинг Хоразм вилоят вакили

Етакчи минбари

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Эйфель минорасига чиқаётганида, борлигини хаяжон ва кувонч қамради. Қуйида ястаниб ётган Парижни, сокин оқаётган Сена дарёсини кўриб лол қолди. Маҳобатли, тенгсиз гўзал шаҳар шу қадар мукамал, серҳашам ва соз эдики, бор вужуди хайратга айланди. Меҳмонхонага қайтганларида эшитгани хикоя эса қалбида бир умр муҳрланди.

Ўқтамой

...Шиддатли иккинчи жаҳон уруши тобора қизиқ борар, ўша машъум кунларда қадимий Франция ҳам аросат ботқоғига ботиб қолганди. Кучлар тенг эмас ҳалокат қузғуни мамлакат тепасида юксак парвоз қиларди. Душманга қарши очиқ жанг шак-шубҳасиз Франциянинг таназзули эди. Ниҳоят жангсиз таслим бўлишга қарор қилинди. Шундай бўлди ҳам. Ўша кунларда «Париж оёқларим остида» деб бонг урган Гитлер Эйфель минорасига, чиқиб галаба нашадасини сурмоқчи эди. Бироқ минорани қуриб, ишга туширган инженер лифтнинг бир муруватини киши билмас чўнтагига солиб қўйишни унутмаганди. Шу туфайли, ҳарчанд уринишмасин лифтни ишга тушира олишмади. Галаба эълон қилинган кун ўша инженер келиб, лифт муруватини жойига қўйиб қўйди. Бутун уруш давомида ишлай турган лифт, бир силкиниб ҳаракатга тушли.

Бу хикояни эшитганда, Ўқтамой Парвардигор эгмаган бошни, банда эгишга қодир эмаслигини англаб етди. Бу улуг мамлакатда бир ой бўлиб, малака ошириш жараёнида жуда кўп нарсаларни билиб олди. Уйга қайтаётганда падали бузурговори сиймоси кўз олдига намоён бўлаверди. Болалиги ўтган кўчалар хаёлидан ўтди. Француз тили ўқитувчисини эслади.

— Сенинг француз тилини ўрганишга лаёқатинг кучли, — деди у бир кун. — Эътибор бергин-а, қанчалар нафис ва дилбар тил. Шеър ҳам чиройли жаранглайди, қўшиқларини айтмайсанми?...

Ҳа, у ҳақ эди. Француз тили жо-

зибаси аллақачон қизгинани маҳв этганди. Мактабни битираётганида, қайси олийгоҳга кириш масаласи кўтарилди. Отаси Кўчор ака унинг шифокор бўлишини истарди.

— ТошМИга кирсанг, дедим.

Ўқтамой бироз тарадудланиб қолди. Ота сўзини икки қилганмас, лекин дилида бодраб ётган орзуларидан ҳам воз кечолмасди-да.

— Чет тиллар институтига кирмоқчийдим. Француз тилини мукамал ўргансан дедим, адажон.

Отаси ўйланиб қолди, унга қолса... Бироқ «шоколад» қизининг раъйига қарамаса ҳам бўлмасди.

— Бўпти, аммо ўқишга киролмасанг, билиб қўй, узатвораман.

Ҳартугул институтга қабул қилинди. Тўйи эса тўртинчи курсда ўқиётганида бўлди. Пешонаси беш қарич экан, Турсунхўжа ака билан яшаётган умрида гидир йўқ. Ориятли, инсофли, маданиятли умр йўлдоши ҳаёт йўлида уни ҳамisha қўллаб-қувватлади. Тўрт нафар ўғил-қизни оқ ювиб-оқ тараб катта қилишди. Қуш уясида кўрганини қилади, деганларидек фарзандлари ҳам ўзлари сингари меҳнатсевар, ўтли-шудли бўлиб вояга етди. Айни чоғда улар эл-юрт хизматида камарбаста. Сўлим оқшомлари ўн набираси атрофини қуршаганида, Ўқтамой опа мамнунмасрур шукроналик туяди. Етмишинчи йилларни соғиниб яшайди. Эҳ, у кунларнинг садағаси кетсанг арзирди. Талабалик йилларининг ўзи бир дoston. «Таштекстилмаш» заводиди, Миробод туманидаги 218-мактабда ишлаб юрган кунлари ҳам

умр китобининг сермазмун саҳифаларида битилган. 125 - ўрта таълим мактабиди ишлаётганига ўттиз йилдан ошди. Қайси лавозимда ишлагансин, тарбиячиси, илмий мудирми, ўқитувчиси ўзини кўрсата билди.

— Биз Ўқтамой Тошхўжаева билан ҳақли равишда фахрланамиз. У ўзига хос етук педагоглардан саналади, — дейди ушбу мактаб раҳбари Соҳиба Бобоева. — Намунали жиҳати дарсларида янги педагогик технологияларни, ноанъанавий услубларни кенг қўллайди. Шунинг учун бўлса керак, сабоқлари ғоятда қизиқарли бўлиб, музокаралар, баҳс-мунозаралар, сиртки саёҳатлар усулларида ўтказилади. Боз устига у мактаб касабда уюшмаси етакчиси сифатида ҳам барчамизнинг меҳримизни қозонган.

Ҳар соҳанинг фидойилари бор, Ўқтамой ҳам ана шулар сирасидан. Ўтган йиллар мобайнида талай шогирдларга билим берди. Улардан айримлари устоз ўқиган олий масканда таҳсил олиб, у сингари ишлаш ва яшашни мақсад қилишган. Ўқтамой опа ТШМОИ услубий кенгаши аъзоси. Янги нашрдан чиққан 5-8 синфлар учун дарсликларни синовдан ўтказиб тақриз ёзди. Шаҳар ва туман миқёсида ёш мутахассисларга семинарлар ва очик дарсларда ўз тажрибасини ўргатаётди. 2004 йил (туман миқёсида) бўлиб ўтган семинарда «Ўзбекистон ва Франция қишлоқ хўжалиги» мавзусида очик дарс ўтди. Миробод туман олимпиадаларига бевосита раҳбарлик қилапти. Шогирдлари эса бундай синовларда муваффақиятли қатнашмоқда.

Ҳали айтиб ўтганимиздек, француз маданияти маркази билан доимий ҳамкорлиги натижасида Франциянинг Монпелье шаҳрида малакасини оширди ва улар тажрибаси асосида мактабда 1-синфдан француз тилини ўргатишни йўлга қўйди. Самара чакки бўлмапти.

Қиссадан ҳисса, 1995 йилда хизматлари муносиб қадрланиб, «Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси» унвонига сазовор бўлди. Шунингдек, у «Халқ таълими фидойиси» нишондори, олий тоифали ўқитувчи.

90 нафарли жамоа юксак ишонч билдириб, 2005 йилда бошланғич касабда уюшма кўмитаси раиси этиб сайлаганди. Ўтган давр бесамар кечмади. Ҳар бир йил ўз мазмун-моҳиятига кўра, олдингиларининг тадрижий давоми бўлди. Мавжуд жамоа шартномасига асосан меҳнат аҳли қўллаб-қувватланди. 2005 йил «Саломатлик куни» тадбирида мактабнинг 56 кишидан иборат спортчиларидан ташкил топган «Спорт менинг соғлиғимдир», «Чаққонлар», «Чақмоқлар», «Лочинлар» сингари гуруҳлари ўн тур буйича ўзаро беллашдилар. Устозлар саъй-ҳаракатини кўрган ўқувчиларнинг ҳам спортга қизиқиши кун сайин ошиб бораётди. 2008-2009 йиллар «Зангиота» зиёратгоҳига, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига қилинган саёҳатлар барчани мамнун этди. Шунингдек, жамоа аҳли ва уларнинг ўғил-қизларини дам олдириш масаласи кун тартибидан тушмай келаяпти. Масалан, жорий йил мавсумда тушган аризаларга биноан Д.Даулетбекова, Д.Сиддиқоваларга «Оқтош», «Бўстон», сингари санаторийларга йўлланма олиб берилди. Д.Ҳасанова ва С.Аҳмедоваларнинг фарзандлари эса болалар оромгоҳларида ёзни гаштли ўтказадиган бўлди. Кам таъминланган оилаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ш.Ҳайдарова ва Д.Мирзаева-ларнинг тўйларига касабда уюшма ҳисобидан имкон қадар қарашилди...

Яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида касабакўм Ў.Тошхўжаева саъй-ҳаракати ижобий баҳоланиб, у кейинги муддатга қайта сайланди. Энди уни янада юксак зафарлар кутмоқда.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Шифохона боғидаги ўриндикда газета ўқиб ўтирдим. Ёнимга даштлик экани кўриниб турган момо келиб, қўл телефонини узатди:

— Болам, мановини ёқиб бер, уйдагиларни бир тергаб қўй.

Мен керакли рақамни тердим. Момо бирдан жиддий тортиб гапирди:

— Бувиражаб, сенмисан, мен кетиб эркин чумчуқ бўлиб қолдиларинг-ма, бо-ванг қаерда? Яна Ўсар ошнасаникига карта ўйнагани кетди-ма? Сизни соғинди дедингма? Ундай уят гапни айтма, ўзи мендан кутулмай юрибди. Айтиб қўй, кўзим хиралашсаям, ҳали ўлганим йўқ!

Мени эшитясанми, эринга айт, тилпонимга пул ташлаб қўйсин. Пенсиядан дейсанми, йўқ, чўнтагидан! Ҳой, эшит, лекин Кўчор неварамга уришма, сомонхонага ўт қўйса қўйибди-да, ҳали бола, уйланса босилиб қолади, мен бадар кетиб шугинага қийин бўлди-ёв...

Бехосдан момонинг телефони сигнал бериб ўчди-ю, яна қанча айтадиган гаплари чала қолди. Момо менга бир қур назар солиб, хонасига кириб кетди...

Кечки пайт момо яна ёнимга келиб ўтирди. Юз-кўзидан, ҳаракатларидан зерикаётгани кўриниб турарди.

Мен секингина сўз қотдим.

— Қаерликсиз, хола?

— Чироқчини билсанг керак. Чиялидаги Ёбондан. Отим Курбонсулук, лекин таниганлар «бой момо» деб чақиради. Ёшим етмиш олтида, кўзим хиралашиб, ип ўтказолмай қолдим. Келганимга уч кун бўлди, дўхтир кизлар дори билан даволаяпти, ҳарна яхши. Узинг қаерликсан, болам?

— Камашининг Жонбўзсойидан, мактабда болаларни ўқитаман.

— Яхши, аммо китобга кўп қарабсан-да, кўзойнак тақиб

Ёбонлик момо

олибсан. Менинг тўксон тўртга қирган энам бор, ўрмак тўқийди, куви пишади, урчуқ йигиради, бир чақиримдан эркак-аёлни ажратади. Бу ерга ҳам «ўзининг жонинг ўзинга керак», деб уришиб жўнатди. Тўғрисини айтсам, зерикдим, айни буғдой ўрилаётган пайтда мен бу жойда ялпайиб ўтирсам уят бўлар-ов...

— Нима, фермермисиз?

— Бўлмасам-чи, беш йил бўлди, хўжалик менинг номимда, печати сандиғимда. 280 гектар ерга галла эдик, бу

йил ҳосилнинг шашти баланд, ўзим айланиб кўрдим. Яна ўттиз гектар ерга зигир, қовунтарвуз экканмиз.

— Сиз тарафларда сув йўқ-ку?

— Ҳамма шундай дейди, ишлаган йўлини толади. Икита «артезан» қудуғимиз бор. Суви ширин, ўзимиздан ортиб қишлоқдошларнинг томорқасига ҳам етади.

— Болалардан нечта, хола?

— Етти ўғил, беш қизим бор. Бариси уйли-жойли бўп кетишган, қишлоқнинг ярми десаям бўлади. Ўғилларимдан тўрттаси фермер бўлган-

раларим-да...

Шу пайт ёнимиздан шифокор ўтиб қолди. Момо дарров уни тўхтади:

— Ҳой, дўхтир ўғлим, менга қачон жавоб берасан,



— Эндигина уч кун бўлди, онажон, яна бир ҳафта сабр қилинг, — деди дўхтир қулиб.

— Йўқ, ундай дема, кечкурун ўғилларим келади, дори-ларни ёзиб берсанг, келинларим томизиб турарди.

— Нима, бирор камчилик борми, онажон?

— Йўқ, ҳаммаси жойида. Факат менинг қишлоқда зарур ишларим бор.

У қайсар момога ваъда бериб қутилди. Момо мамнун бўлди.

— Зўр экансиз, охири кўндирдингиз, — дедим кампирни мактаб. Кампир эшилиб кетди.

— Бир йили тўнғич ўғлим кўярда-қўймай ўн кунлик дам олиш уйига олиб борувди. Менга тўғри келмади, икки кунда жўнавордим.

— Нима, шунчалик юмушингиз кўпми?

— Ҳа-да, ахир элчилик. Қўшимиз Холик чўпоннинг тоби йўқ эди, яна иккита келинимнинг ойи-куни яқин. Тўй-маъракалар бор.

— Сиз бўлмасангиз тўйлар ўтмайди-ми? — дедим ҳазиллашиб.

Момо менга ажабсиниб қаради.

— Менсиз қандай ўтказишди, қани ўтказиб кўришин-чи?!

Шу пайт дарвоза ёнига машина келиб тўхтади ва ундан учта йигит тушиб, биз томон юрди. Момо уларни кўриб, қувониб кетди:

— Ана, болаларим келди! Йигитлар онаси билан кўришиб, машина юкхонасидан тарвуз-қовун, мева-чева, патири ва бир тоғора Чиял яхнасини туширди.

Момо олиб келинган неъматларни барчага улашиб чиқди. Пешин пайти момо кетди. Шифохона хувилаб қолди.

Ўролбой ҚОБИЛ,
Қамаши тумани
Гулистон қишлоғи

Кадрли нарсанинг кадри қўлдан кетгач билинади.

Эл қадрини билмаган,
Ўз қадрини билмас.

Ўзбек халқ мақоллари

Неъмат

Биримиз у деймиз, биримиз бу. Бу билан гўё ҳаётимиздаги нимадандир норизо эканлигимизни ошкор этган бўламиз. Аммо, дунёга келдикми, умримиз давомида дуч келадиган қийинчиликларни ўзимиз енгиб ўтишимиз керак эмасми?

Донолар айтмоқчи, роҳатга роҳат билан эришилмайди. Қарама-қаршиликларнинг асл сабаби неъматлар қадрига етишимиз учундир. Агар тун бўлмаганда кундузнинг, фақирлик бўлмаганда бойликнинг, касаллик бўлмаганда соғлиқнинг, ўлим бўлмаганда ҳаётнинг кадри билинмасди. Гоҳида яхши ташвиш ва машаққат ҳам неъмат бўлиши мумкин. Дейлик, агар аёл ҳомиладор бўлиш, фарзанд туғиш ва уни вояга етказишнинг азобидан қўрқса, у оила қурмайди. Лекин она бўлиш туйғуси барчасидан устун келади ва аксинча — аёл фарзанд кўрмаётган бўлса, изтиробга тушади.

Баъзан майиб-мажруҳ, девона ёки кўзи ожиз одамларга дуч келганда, ҳар бир инсон буни ўзича қабул қилади. Кимдир бепарво, кимдир ҳаётдаги ҳал қилса бўладиган, йўқотилса ўрни тўладиган камчиликлардан шикоят қилиб юргани учун ўзидан уялади, яна бошқаси ўзи рўбарў бўлиб турган одамлар ўрнида бўлиб қолиши мумкинлиги ҳақида атрофлича мушоҳада қилади ва... ҳаётнинг қадрига ета бошлайди. Чунки тафаккур инсонни комиллик сари олиб чиқувчи нурафшон йўлдир.

Саодат АЛИМОВА,
1-республика тиббиёт
коллежи ўқитувчиси

Ҳаёт — ҳар бир нафасда...

Мавҳумот

Нимамдир камдай туюлаверади. Билмадим, нима экан... Нимам кам? Ишим бор. Ўқимишлиман. Ота-онам, Худога шукр, ҳаёт. Нимам кам? Ўзимдан ўзимнинг кўнглим тўлмайди. Қилаётган ишларим, ёзаётганларим, режаларим — барча-барчаси арзимас майда-чуйдага ўхшаб туюлаверади. Сиқилиб кетаман. Иш вақтини амаллаб ўтказаману, ишхонамиз яқинидаги боққа сайрга кетаман. Мавҳумлик юрак-бағримни ўртади. Жавоб тополмаётганим — ўша саволлар кўнглимни баттар гаш қилади.

Нима қилмоқ керак? Бошингни қотирганинг билан барибир, жавоб топа олмайсан-ку, нодон! Ўзингни бунча қийнаганингдан не наф? Жимгина ишингни қилиб, яшайверсанг бўлади-ку! Сендан аввал ўтган не-не донишлару ақл соҳиблари жавоб топа олмаган ёки бир умр излаган саволлар ортидан сен ҳалак бўлиб югурганинг билан нимага эришасан? Муддаонг нима? Мақсаднинг борми ўзи?

Сайрда кўнглим ёзилади, деб хато қилган эканман. Олти томонимдан гашлик бостириб кела бошлади. Қанча бўлувди ичмаганимга? Пивохонаям яқин жойда. Би-и-ир «юриш» қилайлик. Кейин бир гап бўлар.

Йўл

Диққинафас, гавжум жойда ўтириш ҳам жонга тегди. Официант қиз билан ҳисоб-китоб қилар эканман, тўсатдан савол бергим кеп қолди:

— Қачондан бери бу ерда ишлайсиз?

— Анчадан бери.

Жавобни шоша-пиша берди-ю жўнаб қолди. Шилқим мижозлардан деб ўйлади, шекилли. Менинг шунчаки ким биландир кўнглининг хижилларини ёзиб гурунглашгим келаётганди. Афсус...

Уйгача пиёда кетдим. Ёлғизликда ўйлаб кетишга нима етсин. Ичмаганимга анча бўлгани учунми, бошим айланарди. Дунё бошим узра айлангандек туюлди. Тўхта, деб, бақиргим келди. Милиционер тўхтатди. Оббо, шу камийди ҳозир.

— Сержант, Гардунов. Хужжатларингни кўрсатсангиз.

Яна ўйлашда давом этаман:

Буларга ҳам қийин. Ёзу куз, эртаю кеч тик оёқда. Машиналию машинасизнинг «ширин-ширин» гапларини гарданига олиб кетаверади.

Қайтиш

Анҳор бўйида сувнинг сокин шилдирашини, қушларнинг шодон овозини, дарахларнинг шовулалашларини тинглаганча, анча вақт қолиб кетдим. Ҳалигина юрагимни гаш қилаётган: Ҳаётда яшашдан

Файзулла Аҳмадалиев боболар таълимоти мохиятини англашга интилаётган рангасвир усталаридан. Унинг асарларида комилликка интилиш, ҳаётсеварлик, руҳни англаш учун нафсдан кечиш ғоялари акс этган.

«Яссавийга бағишлов» асари шулар жумласига кириб, ўзига хос фалсафий қарашлари билан ажралиб туради. Унда акс этган дарвеш лой ва сомондан ясалган. Бу билан ижодкор инсоннинг табиат билан уйғунлиги ҳамда унинг тупроқдан яралганига ишора қилиб, яна тупроққа қайтиши ҳақидаги фикрни очиб бермоқчи бўлади.

Дарвешнинг гавдаси

бўшлиқ ҳолда яратилган, юз қисми очиқ қолдирилган. Юрагидан ёруғлик таралиб турибди. Бунда рассом инсоннинг руҳияти ташқи кўринишидан устун эканлиги, ву-

этилган. Бу йўл ҳаёт ҳақиқати фалсафаси, тасаввуф йўли, ибтидонинг охири бор-у, эзгуликнинг чегараси йўқлиги-га ишора.

Асар марказидан ташқари-

даги идишларнинг ўнтаси шароб, ўнтаси тупроқ би-

лан тўлдирилган. Шароб илоҳий ишқдан лаззатланиш, сархуш бўлиш, тупроқ эса ризқ-насиба, идишдаги тупроқларнинг бирин-кетин камайиб ту-гаши, умрнинг ниҳоясидан далолат. Бу дунёда ҳар бир инсоннинг ризқ-насибаси белгилаб берилган, бой ҳам, гадо ҳам бу дунёга меҳмон.

Асар инсоннинг руҳий кечинмалари ва ички дунёсини очиб берганлиги учун ҳам кўнглига яқин.

Шахло МУХТОРОВА,
Камолиддин Бехзод
номидаги Миллий рассом-
лик ва дизайн институти
3-курс талабаси

«Яссавийга бағишлов»

жудни руҳ бошқаришини акс эттиргандек.

Дарвешнинг бир кўлида асо, иккинчисиде косода сув. Асо — дарвешнинг ҳаётдаги тиргаги, сув эса тириклик рамзи.

Асовнинг ердаги учи ёруғликка ишора қилмоқда ва ушбу ёруғликдан Яссавий тариқатлари битилган оқ йўл спиралсимон ифода

Қадрнинг қиммати...

«Қадримга йиглайман», «қадримга етишмади», «қадрнинг қиммати шуми» каби ёзғиришларни кўп эшитганмиз. Дарҳақиқат, кадр тушунчаси мохиятан кўпгина инсоний фазилатларни намоён эта олиши билан аҳамиятлидир.

Гоҳида кўчада, уйда, ишхонада билиб-билмай қадрингизни ерга уришса ё шунга ўхшаш ҳолатни сезсангиз, кўнглингизда оғриқ пайдо бўлади, беихтиёр норозилик туйғуси ниш уради. Ким билсин, қадрни қайсидир маънода табақалаштириш мумкинмикин? Қадрга ҳам меъёр тушунчасини киритиш керакдир балки.

«Мен акамни яхши кўрардим. Аммо уйландилар-у ўзгаргандек бўлди, балки менга шундай туюлгандир. Бир сафар Тошкентга ишлаш учун отландим. Кеч қолганим боис, туман марказида жойлашган акамнинг уйига бордим. Ўша кечаси шерикларим телефон қилиб, ёпинадиган бирорта аёлми, кўрпами олиб келишимни илтимос қилишди. Эрта тонгда истиҳола билан янгамдан сўрагандим. «Йўқ, беролмайман» деди. Юрагимда бир нарсани сезилгандек бўлди, ер ёрилса-ю ерга кириб кетсам. Энг ёмони, у ерда акам ҳам бор эди. Ҳеч нарсани демади. Ўзини эшитмаганликка ё билмаганликка олди. Ушандан буён акамнинг уйига боргим келмайди...»

Дўстимнинг бу гаплари менга қаттиқ таъсир қилди. Наҳотки, оилада ака-ука, опа-сингиллар шу тариқа арзимас, аммо қадрни ер билан битта қиладиган воқеалар сабаб узоқлашишса, учқур кунлар ортига яширинган дийдор ғаниматлигини унуттишса, қариндошлик риштасига шу тариқа соя тушса?..

Ўзини ҳаддан ташқари юқори олиш, ҳар нарсани ўзига олиб кадр билан боғлайвериш нотўғри. У кибрга олиб келиши ҳеч гап эмас. Манманлик ва хурматталаблик ортида эса хурматсизлик туришини ҳамма ҳам билмас керак.

Ҳеч ким осмонга устун бўлган эмас ва ҳеч кимнинг одамлар нафсониятига тегишга ҳаққи йўқ. Шу нуқтаи назардан ҳам инсонлар сиёсий жиҳатдан демократияни, инсонийлик нуқтаи назардан маънавиятни ардоқлаб келади, инсон кадр-қимматини улуғлайди.

Албатта, киши ўз қадрини ҳам билиши керак. Аммо бунга, менимча, ўзгаларни қадрлабгина эришиш мумкин. Ота-онасини, оға-иниларини бир марта кўришга вақтини қизғаниш, маблағни ўйлаш қадрсизлашнинг ёмон кўриниши деб биламан. Агар яқинлар бир-бирини қадрламаса, руҳан узоқлашиб бораверади...

Нима бўлганда ҳам ҳар кимнинг ҳаёти ўзиники, агар ўзи англамаса, ҳар қанча насихат ҳавога учиши тайин.

Келинг, ўйлаб кўрайлик, яқинларимизни қанчалик қадрлай олаямиз?..

Акмал ТОШЕВ

мақсад нима, деган савол аста-секин ўз исканжасидан қўйиб юборган шекилли, юрагим ором кучоғида эди. Шундагина инсон табиатнинг эрка ва ардоқли фарзанди эканлигини чуқурроқ англадим. Балки шуларни назарда тутиб, улғўзувчи Достоевский «Дарахлар орасида ўлиш осон» деб ёзгандир. Ҳар не бўлганда ҳам биз табиатдан айро бўлолмайдиган бир бутун вужудмиз.

Уйга яқинлашар эканман, биздан бир қават юқорида яшайдиган кўшимизнинг энди мактабга бораётган ўғлига танбех бераётган маҳалла оқсоқолига, ундан-бундан гийбатлашиб ўтирган аёлларга, қўлида гул кўтариб ёрини кутаётган ёшгина йигитга, майдончада тўп тепаётган, ғам-ташвишнинг номини ҳам эшитмаган бир тўда болакайга ва ҳаётнинг маъноси нима дея бошини қотириб, бурнига кўзойнак кўндириб, тушкунликка тушиб ўтирган ўзимга дуч келдим.

Ҳаёт кўз ўнгимда намоён эди. Мен қадрлай олмаётган ҳаёт кўз ўнгимда эди...

Шу онда ҳаёлимга севиб томоша қиладиганим «Сўнгги самурай» филмидаги самурай-шоир Катсумото тилида янграган икки мисра шеър келади:

**Ҳаёт — ҳар бир нафасда,
Ҳаёт — ҳар бир финжон чойда...**

Адҳам АРСЛОН

Сўраган эдингиз...

Мактабда кутубхоначи бўлиб ишлайман. Лекин назаримда ойлигим камдай. Менинг фаолиятимни баҳолаш мезони нимадан иборат?

**Г. ФАЙЗИЕВА,
Сирдарё тумани**

«Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида Низом»да умумтаълим мактаблари кутубхоначиларининг иш натижаларини баҳолаш мезонлари белгиланган. Шунга кўра, қуйидагилар умумтаълим мактаблари кутубхоначиларининг иш натижаларини баҳолаш мезони бўлади:

а) дарсликлар ва ўқув-методик кутубхона жамғармасининг тўғри шакллантирилганлиги, улардан фойдаланилишининг таҳлил қилинганлиги;

б) ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўлиқ ва тўғри юритилиши таъминланганлиги ҳамда дарсликлар ва ўқув-методик жамғармасини сақлаш учун тегишли шароитларнинг ташкил этилганлиги;

в) дарсликлар ва ўқув-методик ҳақиқий мавжудлигини аниқлаш учун белгиланган муддатларда дарсликлар ва ўқув-методик жамғармасининг хатловдан ўтказилганлиги;

г) мактаб кутубхона жамғармасидан дарсликлар ва ўқув-методик ҳисобдан чиқарилиши ташкил этилганлиги ва амалга оширилганлиги, мактаб кутубхона жамғармаларидан дарсликлар ва ўқув-методик ҳисобдан чиқариш бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри юритилганлиги ва сақланганлиги, ҳисобдан чиқариладиган эскирган дарсликлар ва ўқув-методик мактаб кутубхона жамғармасидан тўлиқ ҳисобдан чиқарилишининг таъминланганлиги;

д) ҳисобдан чиқарилган дарсликларнинг белгиланган муддатда ва тўғри утилизация қилинганлиги ҳамда зарур ҳужжатларнинг мавжудлиги ва сақланганлиги;

е) ўқувчилар орасида дарсликлар ва ўқув-методик ахтиёрлик билан қараш туйғусини ривожлантиришга қаратилган олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг самарадорлиги;

ж) умумтаълим мактаби кутубхонасининг ишини ташкил этиш борасида дарсликлар ва ўқув-методик кутубхона жамғармасини шакллантириш ва ҳисоб-китобини юритиш ҳамда китобларни авайлаб асраш туйғусини ривожлантиришга йўналтирилган тарбиявий ишларни амалга оширишда янги ахборот технологияларидан фойдаланилганлиги.

Шунингдек, умумтаълим муассасалари қошидаги махсус комиссия ҳақидаги Низомда кутубхона мудириларига устама белгилаш услуги ва мезони мавжуд бўлиб, етти банддан иборат ўқув ва ўқув-методик қўлланмаларни сақлаш шароитларини таъминлаш бўйича ишларнинг асосий кўрсаткичлари ифодаланган. Ўқувчилар ўртасида олиб борилган тарбиявий ишларга қўшган шахсий ҳиссангиз ҳам эътиборга олинади. Яқинида кўра, энг юқори балл — 100 деб кўрсатилган. Олинган балга қараб устама белгиланади.

Вазирлар Мақамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарори билан тасдиқланган «Халқ таълими муассасаларининг кўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, кўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари»га кўра, мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар кутубхоначиларига ёки бошқа ходимларга дарсликларнинг кутубхона фонди билан шуғулланганликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида кўшимча ҳақ тўланади.

Кейинги ҳар бир 1500 нусха дарсликлар учун 5 фоиз, бироқ энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан кўп бўлмаган кўшимча ҳақ тўланади.

Агар яна нимадан бир шубҳалансангиз, ўзингизга тааллуқли ҳужжатлар билан танишиш ҳуқуқига эгасиз.

Фуқаролар йиғини раислари томонидан амалга ошириладиган нотариат ҳаракатлар нималардан иборат?

М. ҚУВВАТОВА, Касби тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»даги Қонуни 25-моддасига биноан аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

- 1) васиятномаларни тасдиқлайди;
- 2) ишончномаларни тасдиқлайди (автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно);
- 3) мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
- 4) ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди (маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно);
- 5) ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга ошириши мумкин.



Вояга етмаган болаларга тўланадиган алимент миқдори қандай белгиланади?

М. ВАЛИЕВА, Тошкент вилояти

Оила кодексининг 99-моддасига кўра, агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун — учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси миқдоридан ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, суд томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан кам бўлмашлиги керак.

Педагогик стажим салкам ўттиз йилни ташкил қилади. Ҳозир ишлаётган мактабда биринчи сентябрдан иш бошлаганман. Лекин, мактабга янги келгансан, деб меҳнат таътилими тўлиқ беришмайти. Шу тўғрими?

С. ФАНИЕВА, Тошкент шаҳри

Меҳнат кодексининг 135-моддасига кўра, меҳнат вазибаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хусусиятлари ҳамда бошқа ҳолатларни ҳисобга олиб, ходимларга узайтирилган асосий таътиллари бериш назарда тутилган. Жумладан, муаллимларга ҳам 48 иш кунидан иборат таътил берилади. Аммо шунинг эътиборга олиш керакки, Меҳнат кодексининг 141-моддасига биноан таътиллари муддати ишланган вақтга мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқаришда уларнинг муддати ҳар бир тўлиқ таътил миқдорини ўн иккига бўлиб, сўнг тўлиқ ишланган ойлар сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади. Бунда ўн беш календар кунга тенг ва ундан кўп бўлган кунлар бир ой деб ҳисобланади, ўн

беш календар кундан кам эса чиқариб ташланади.

Ушбу қонуннинг 143-моддасига кўра, мактаблар, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юртлари, кадрларнинг малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш институтлари ва курсларининг муаллимлар таркибига биринчи иш йилида йиллик таътил уларнинг мазкур ўқув юртига ишга кирган вақтидан қатъи назар, ҳақиқий ишланган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда ёзги таътил даврида тўлиқ берилади.

Ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибига кўра, таътиллари вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи

йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кунидagi тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган кўшимча иш ҳақи, мукофотлар, кўшимча тўловлар, иш ҳақи кўшимча ҳақлар ва ижтимоий сугурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар кирди.

Бола мен билан қолишига қарамасдан суд умумий мулккимизнинг асосий қисмини собиқ эримга олиб берди? Тўйда бор-йўғидан ажралган эмиш. Шу тўғрими?

**С. ИВАНОВА,
Тошкент шаҳри**

Вазиятни яхши ўрганмай, аниқ фикр айтиш қийин. Аммо, Оила кодексининг 44-моддасига биноан никоҳдан суд тартибидан ажратилганда, эр ва хотин вояга етмаган болаларни ким билан яшаши, болаларга ва (ёки) меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож эр ёки хотинга таъминот бериш учун маблағ тўлаш тартиби, бу маблағнинг миқдори ёхуд эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлишга доир келишувни кўриб чиқиш учун судга тақдим қилишлари мумкин.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган масалалар бўйича эр ва хотин ўртасида келишув бўлмаган тақдирда, шунингдек, ушбу келишув болалар ёки эр-хотиндан бирининг манфатларига зид эканлиги аниқланган тақдирда суд:

никоҳдан ажратилгандан кейин вояга етмаган болалар ота-онасининг қайси бири билан яшашини аниқлаши;

вояга етмаган болаларга таъминот бериш учун ота-онанинг қайси биридан ва қанча миқдор-

да алимент ундирилишини аниқлаши;

эр ва хотиннинг (улардан бирининг) талабига кўра, уларнинг биргаликдаги мулки бўлган мол-мулкни бўлиши;

эр (хотин)дан таъминот олишга ҳақли бўлган хотин (эр)нинг талабига кўра, ана шу таъминот миқдорини белгилаш шарт.

Мол-мулкни бўлиш учинчи шахсларнинг манфаатига дахлдор бўлган ҳолларда, суд мол-мулкни бўлиш талабини алоҳида иш юритиш учун ажратади.

ФПКнинг 260-моддасига кўра, эр-хотиннинг мулкни бўлиш ҳақидаги талаби, агар бу низони тўғри ҳал қилиш учун ишга учинчи шахсни жалб қилиш зарур

бўлса, никоҳни бекор қилиш ҳақидаги иш билан бирга кўрилиши мумкин эмас.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқиладиганида тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги 22-сон қарорининг 25-бандига кўра, никоҳдан ажратиш ҳақидаги низони ҳал қилишда, судлар тўйни ўтказишга кетган сарф-харажатларни ундириш тўғрисидаги талабларнинг қаноатлантирилмаслигини назарда тутишлари шарт.



Кашкадарёлик Азиза Алманова — фан йўналиши бўйича «Зулфия» мукофоти со-вриндори. У куни кеча Қарши давлат универ-ситети қошидаги 2-сонли академик лицей-нинг учинчи босқичини тугатди.

Юртининг азиза қизи

Азизани болалигидан ўсимликлар дунёси ўзига ром этиб келади. Бу хислат унда ижодкорлик, изланувчанлик жиҳатларини шакллантирди. Нодирабегим номидаги ихтисослашган мактабда зоология ва биология фанлари бўйича чуқур таҳсил олди. Ҳозирга қадар у бир неча бор турли ташкилотлар томонидан ўтказилган танловларда голиб бўлди, қатор қўлланмалари босилиб чиқди.

Қўлимда «Усимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилайлик» рисоласи. Унда муаллиф сайёрамизда содир бўлаётган экологик фалокатлардан, айниқса, тирлик организмларнинг талофатидан қайғуради, инсонларни огоҳликка қақиради. Ҳар биримизни келажак учун эътиборлироқ бўлишга ундайди. «Сепилган препаратлардан, ер ости зах сувидан тупроқнинг шўрланиши, баъзи жойларда оқова сув билан экинларни суғориш ишлари ерни эрозияга учратди. Бундай ҳолатлар республикамизнинг барча вилоятлардаги хўжаликларда учрайди...» дея, қуонади у. Шунингдек, узоқ умр кўриш ҳақида: «БМТ соғлиқни сақлаш бўлимининг аниқлашича, бурушка деган халқ аҳолиси бақувват-бақувват инсонлардан ташкил топган бўлиб, кам касалга учраб узоқ умр кўраб экан. Улар Кашмир билан Хитой чега-

раси орасидаги Хунза деган жойда яшайди. Уларнинг узоқ умр кўриш сабабини текширишганда шу нарса маълум бўлдики, бурушкаларнинг суткалик овқати таркибининг 70-80 фоиздан ортироғини ўрик меваси ташкил этаркан».

Зоология фанидан Қарши атрофидаги полиз экинзорларига энтомолик экскурсия уюштириш бўйича услубий қўлланмасида эса полиз экинлари ва уларга зиён келтирувчи ҳашаротлар ҳақида батафсил маълумот берилган. Оддий экскурсия давомида ўқувчиларга бир олам билим ва кўникмалар бериш мумкинлиги мисол келтирилган. «Баданни чиниқтириш ва унинг асосий қоидалари» қўлланмасида инсон умрини узайтиришнинг муҳим омилларидан бўлган танани чиниқтириш комплекслари санаб ўтилган. Чақалоқ, бола ёки катта ёшли кишиларнинг об-ҳаво инжиқликлари, жуда баланд ва паст температурага кўникиш, атмосфера босимининг тушиб кетиши, намгарчиликнинг ҳаддан зиёд ошиши ва табиатнинг бошқа ножўя таъсирларини фақат танани чиниқтириш билангина енгиш мумкинлиги таъкидланган ва бу борада қилинажак ишлар айтилган.

Яқинда Азиза Алманованинг «Президент асарларида экология» номли навбатдаги китоби дунё юзини кўрди. Албатта, бу ранг-баранг ижод намуналари юртимизда ёшларнинг илм олиши йўлида яратилаётган шароитларнинг меваси бўлиб,

устозлар ўғити-ю шоғирлар шижоатидан далолатдир.

Қахрамонимиз ҚДУ профессори Туроб Тилавов, Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтида Шухрат Муродов, академик лицей ўқитувчилари Искандар Эшнаев, Турғун Мустафоевдан мудом сабоқ олиб, ўз билимини ошириб бормоқда. 17 ёшли қизнинг орзулари бир олам. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси қошида «Экологик клуб» очиш учун ҳужжатларни тақдим этган. Клуб иш бошлагач, вилоятдаги энг иқтидорли ёшларга янада бирлашиш имкони туғилади. Ўзаро фикр алмашиб, илму урфон сирларини бирга ўрганишга не етсин!

Ҳар ўқув йилида Азиза илми излашлари учун «Камолот» ЁИХнинг Қарши шаҳар бўлими ва тармоқ ташкилотларининг махсус дипломларига бир неча бор сазовор бўлган. Келажакда отаси Шавкат ака ва онаси Светлана опа каби шифокор бўлиш ниятида.

Гарчи ўқиш, фан тўғараклари ва рўзгор юмушларидан ортиши қийин бўлса-да, спорт билан шуғулланишга ҳам вақт топади. Теннис ўйнайди.

Азизанинг орзулари бир дунё. Интилишлари ҳам шунга яраша — ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Фарзандлар олдидаги масъулият



Расмий маълумотларга қараганда, 2010 йилнинг 4 оyi мобайнида республикамиз ҳудудида жами 4015 та турли даражадаги ёнғин содир бўлган. Бу ёнғинларнинг баъзилари болалар шўхлиги оқибатида келиб чиққанлиги, айниқса, жамоатчиликни ташвишга солаётир.

Жумладан, жорий йилнинг 4 оyi мобайнида Андижон вилоятида жами 338 та ёнғин содир бўлган бўлса, шунинг 14 таси болалар иштирокида рўй берган. Бундан 3 млн. сўмдан ортиқ моддий зарар кўрилган. Жиззах вилоятида ҳам шундай ҳолга дуч келдик. 124 та ёнғиннинг 22 таси болаларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида келиб чиққан. Кўрилган моддий зарар эса уч ярим млн. сўмдан ортиқни ташкил этган. Наманган вилоятида ҳам 305 та турли даражада ёнғин содир бўлиб, унинг 13 таси болалар иштирокига тўғри келган ҳамда кўрилган моддий зарар миқдори 4,5 млн. сўм. Бу каби мисолларни бошқа вилоятлар мисолида ҳам келтириб ўтишимиз мумкин. Аммо гап қаерда ва қачон, ким томонидан содир этилган ёнғиндан кўрилган моддий зарар ҳақида ахборот беришдангина иборат эмас. Балки, эътиборсизликдан, хатолардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда келажак авлодимизни ҳар қандай кўнгилсизликлардан муҳофаза этиш устувор вазифаларимиздан бири эканлигини яна бир қарра эслатиб ўтишдир.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХББ томонидан тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, жойларга юборилди. Режага кўра, ўтган вақт мобайнида республика ҳудудидаги маҳалла, қишлоқ фуқаролик йиғинларида кенг жамоатчилик иштирокида 2310 маротаба учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатларида 19 минг нафардан ортиқ фуқаро билан суҳбат олиб борилди, 2 мингдан ортиқ ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Бундан ташқари, Республика ИИБ ЁХББ, Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ходимлари таълим-тарбия муассасаларида ҳуқуқий мавзуларда учрашувлар ўтказишаётир. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ёшларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўзлаштириб олишлари, айниқса, фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракатланиш лозимлиги юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шу мақсадда, республикамиздаги 9689 та умумтаълим мактабининг 4962 тасида текшириш ўтказилди. Фавқулодда вазиятлар содир бўлиб қолганда, захира чиқиш йўлларидан фойдаланиш юзасидан 119 минг нафардан зиёд ўқувчи иштирокида машқ олиб борилди.

Ёнғинга қарши тарғибот ишларимиз, келгусида ҳудудларда болалар шўхлиги оқибатида келиб чиқадиган ёнғинларнинг кескин қамайишига ёрдам беради, деган умиддамиз.

Даврон ҚАМБАРОВ,
майор, ИИБ ЁХББ бош мутахассиси

Болаларни плеерга ўргатманг

Ҳозирги кунда шифокорларни асосан битта муаммо ташвишга солмоқда. У ҳам бўлса болаларнинг уззукун плеер (уяли телефон сими)ни қулоқларига тутиб юриши ва оқибатда эшитиш тизими фаолиятини издан чиқараётганлигидир. Маълумки, шовқин биринчи галда қулоққа салбий таъсир этади. Боласининг қулоғи тез-тез битиб қолаётганидан ташвишланган ота-оналар муаммонинг сабабчиси плеер (уяли телефон) эканлигини билмай, отоларингологга мурожаат қилишади. Доимий равишда «наушник» орқали мусиқа эшитиб юриш эса йиллар ўтиб қарликка олиб келиши мумкинлигини мутахассис олимлар таъкидлашмоқда.

Энг баланд ва энг ёмон

Боланинг қулоғи соғлом бўлганда 10-15 децибел (дБ) даги товушларни пайқай олади. Аслида эса пичирлаб гапирганда 20 дБ, соат чиқиллашида 30 дБ, суҳбат жараёнида 30-35 дБ ли товуш ҳосил бўлади, шунингдек, қаттиқ қичқирқ 60 дБ ли шовқинни таратади, бу кишига ёмон таъсир қилади.

Энди ўйлаб қаранг, плеер (уяли телефон наушниги)да 120 дБ гача баландликдаги товуш ҳосил бўлади. Бундай товуш боланинг нафақат қулоғи, балки асабларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Чунки бу салбий оқибатларга олиб келади

90 дБ дан баланд бўлган шовқин эшитиш асаб толаларига (уларнинг сони бор-йўғи 30 мингта) салбий таъсир кўрсатади. Шовқин туфайли толаларнинг 25 фоизи ҳалок бўлса, бу нарса товушни қабул қилишга унчалик катта таъсир ўтказмайди.

Лекин толаларнинг ярмидан кўпи ҳалок бўлса, қар бўлиб қолиш ҳеч гапмас. Плеерларга муккасидан кетган болалар дастлаб ўзларининг яхши эшитмаётганларини сезмасликлари мумкин, лекин эътиборли ота-оналар бунини пайқаш қийин эмас. Чунки «плеер касаллиги»га чалинган бола билан баланд оҳангда гаплашмасангиз эшитмайди, суҳбат пайтида унга бир гапни бир неча бор такрорлашингизга тўғри келади. Агар шундай белгиларни пайқасангиз, дарҳол отоларингологга мурожаат қилинг. Эшитиш бузилишининг дастлабки икки ойда тиббий чоралар наф бериши мумкин.

У мумтоз мусиқани тинглармикин?

Вакуумли (қулоқ ичида жойлашадиган) наушниклар эшитиш фаолиятини жуда тез ишдан чиқаради. Негаки, уларнинг микрофонлари эшитиш йўлига чуқур кириб, уни бутун-

лай ёпиб туради.

Микрофондан чиққан товуш тўғридан-тўғри қулоқнинг сенсор аппарати томонга йўналади ва унга салбий таъсир кўрсатади. Бунда болақайнинг қандай мусиқа тинглаши ҳам катта рол ўйнайди. Масалан, паст частотали рок мусиқа эшитиш фаолиятини ёмонлаштиради, мумтоз мусиқалар эса, аксинча, ижобий таъсир этади.

Аниқ тавсиялар йўқ, лекин...

Мутахассислар томонидан плеердан қанча вақт мобайнида фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида тавсиялар ҳали ишлаб чиқилмаган, лекин мактаб ёшидаги болалар 15-20 дақиқа давомида очик турдаги наушниклардан (яъни, бундай наушниклардаги товушни уни тақмасдан ҳам эшитиш мумкин) фойдаланиб мусиқа тинглашга бўлади. Бунда албатта 15-20 дақиқадан танаффус қилиб туриш лозим.

Транспортда плеерлардан фойдаланмаган маъқул. Чунки у жойда шундоқ ҳам шовқин даражаси баланд бўлади.

Агар яқин қариндошларингиздан бирортасида эшитиш билан боғлиқ муаммолар бўлса, у ҳолда фарзандин-



гизга плеерлардан фойдаланишни таъқиқланг.

Фарзандингиз яхши эшитмаётганлигидан шикоят қилса, буни эътиборсиз қолдирманг. Чунки эшитиш фаолиятининг бузилишига асаб тизимининг касалликлари, мия ўсмалари, камқонлик, қулоқ ичидаги ёт жисмлар, мия жароҳатлари ҳам сабаб бўлади.

Шунингдек, баъзи бир дори-ларнинг ножўя таъсири натижасида ҳам эшитув аъзолари иши ўзгаради. Масалан, индометацин, канамидин, гентамицин, стрептомицин, тобрамицин каби антибиотик препаратлар худди шундай ҳолатларни келтириб чиқаради. Шу боис турли препаратларни қабул қилишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиш керак.

Г. ЖАМИЛОВА
тайёрлади

Душанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 15.00, 18.00, 22.35 «Иқлим».

Сешанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.50, 15.05, 17.55, 22.40 «Иқлим».

Душанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20 Тошкент тароналари.

Сешанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20 Тошкент тароналари.

11.50 «Ахборот». /инглиз/. 13.00, 20.10 Серил: «Умр манзаралари».

Чоршанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.55, 15.00, 18.05, 22.35 «Иқлим».

O'zbekiston

18.10 «Олтин мерос». 18.55 2010 йил - Баркамол авлод йили.

Пайшанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 12.55, 15.00, 22.40 «Иқлим».

Болалар сайёраси:

13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с. 14.20 «Хонадон».

Жума

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00 12.55 15.05 18.00 22.40 «Иқлим».

Болалар сайёраси:

13.35 «Ака-ука Гримм эртаклари». М/с. 14.20 «Хонадон».

Шанба

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 7.00, 11.55 «Иқлим».

11.25 «Ёмғир симфонияси». Т/с. 13.05 «Ифтихор».

Якшанба

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунги. 5.55 Кўрсатувлар дастури.

TOSHKENT

2.40 «Таянч нуқтаси». 3.10 Нима учун гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар».

Пайшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20 Тошкент тароналари.

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20 Тошкент тароналари.

Вагнер. «Улуғвор марш». 10.30 «Пойтахт». /рус/. 10.45 «Кавингтон Кросс». Т/с 7-қисм.

Шанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.00 «Салом, Тошкент!» 8.20 Тошкент тароналари.

19.25 Тошкент тароналари. 19.35 «Истеъдод».

Якшанба

7.25 Кўрсатувлар тартиби. 7.30, 13.00, 5.30 «Салом, Тошкент!» 8.20 Тошкент тароналари.

Душанба

6.00, 14.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлик наволари».
8.10 «Кумуш». Т/с.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Yoshlar-FM».
9.40 «Тасвир ва таассурот».
10.00 «Давр». Хафта якуни.
10.30 «Даврнинг боласи».
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 «Катта танаффус».
11.20 «Миллий мультфильм».
11.50 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.00 «Зулфия издошлари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.
14.20 «Огоҳ бўлинг!».
15.10 «Тараннум».
16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».
16.10 «Муъжизавий дунё».
17.10 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Баркамоллик йўлидан».
18.20 «UzEX».
18.30 «Навоининг тарихий обидалари».
18.50 «Баркамол авлод».
19.30 Миллий кино: «Сўзсиз севги». 1-қисм.
20.30 «Автопатруль».
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 Миллий кино: «Сўзсиз севги». 2-қисм.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ёшлик наволари».
23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 «Хайт тумори». Б/ф.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Тараннум».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

Сешанба

6.00, 14.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлик наволари».
8.10 «Кумуш». Т/с.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Yoshlar-FM».
9.40 «Тасвир ва таассурот».
10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 22.00, 2.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Винни Пух». М/ф.
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 «Сирли ўрмонча».
11.10 «Соғлик - бойлик».
11.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
11.50 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.
14.20 «Огоҳ бўлинг!».
15.10 «Тараннум».
15.50 «Зулфия издошлари».
16.10 «Муъжизавий дунё».
17.10 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Қорақалпоқ ёшлари».
18.20, 22.20 «UzEX».
18.50 «Баркамол авлод».
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - Англия.
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 «Хайтда ҳамма нарса бўлади». Т/с.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ёшлик наволари».

Душанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.30, 21.30, 1.30 Хабарлар.
7.25, 13.20, 15.30 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
7.55 «Тренируемся вместе».
8.30 «Малахов +».
9.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - Парагвай.
11.05 «Спортчилар оиласи».
11.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. Италия - Янги Зеландия.
13.15 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия - Кот д'Ивуар.
16.00 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.
16.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Португалия - ҚХДР. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. Чили - Швейцария. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
21.00 Тазквандо. WTS Осиё чемпионати.
21.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 финал.
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Испания - Гондурас. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади
1.40 «Хайрли тун!»

Сешанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.00, 21.00, 1.30 Хабарлар.
7.25, 13.35, 17.30 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.00 «Спортимиз маликалари».
8.30 «Малахов +».
9.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Португалия - ҚХДР.
11.05 «Стать ближе». Ток - шоу.
11.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Чили

Душанба

07.00, 09.10, 10.05, 13.40, 18.00, 19.30 Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30 Серил «Отанг билмасин»
09.30 «Топ-10»
11.30 «Мистер и Миссис Смит» худ. фильм
14.20 Prime time (рус)
15.30 «ФАРОЙИБ ПОЙГАЛАР» худ. фильм
17.30 «Премьера» (рус)
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ТАКСИ» худ. фильм
23.40 Миксер

Сешанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30, 13.10, 16.40, 18.10, 19.30 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00, 14.30, 18.30 Серил «Отанг

11.50 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.
15.10 «Тараннум».
16.10 «Муъжизавий дунё».
17.10 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Чемпион».
18.20, 22.20 «UzEX».
18.50 «Огоҳ бўлинг!».
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Франция - ЖАР.
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 «Хайтда ҳамма нарса бўлади». Т/с.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ёшлик наволари».
23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Греция - Аргентина.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Тараннум».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

Чоршанба

6.00, 14.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлик наволари».
8.10 «Кумуш». Т/с.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Yoshlar-FM».
9.40 «Тасвир ва таассурот».
10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 22.00, 2.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Винни Пух». М/ф.
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 «Сирли ўрмонча».
11.10 «Соғлик - бойлик».
11.30 «Қишлоқдаги тенгдошим».
11.50 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.
14.20 «Огоҳ бўлинг!».
15.10 «Тараннум».
15.50 «Зулфия издошлари».
16.10 «Муъжизавий дунё».
17.10 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Қорақалпоқ ёшлари».
18.20, 22.20 «UzEX».
18.50 «Баркамол авлод».
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - Англия.
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 «Хайтда ҳамма нарса бўлади». Т/с.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ёшлик наволари».

- Швейцария.
13.30 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
14.05 «Ринг қироллари».
15.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Испания - Гондурас.
16.45 Теннис. WTA турнири. Истборн. Финал.
18.25 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. Мексика - Уругвай. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
21.15 Саломатлик хазинаси.
21.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Франция - ЖАР.
23.00 «Жозиба».
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Нигерия - Жанубий Корея Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади
1.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. Греция - Аргентина.
3.20 «Хайрли тун!»

Чоршанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.00, 21.00, 1.30 ХАБАРЛАР.
7.25, 12.50, 17.30 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
7.55 «Жозиба».
8.30 «Малахов +».
9.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Мексика - Уругвай.
11.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Франция - ЖАР.
12.45 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Нигерия - Жанубий Корея.
15.00 Шарқ яқка кўрашлари. Махсус техника бўйича Ўзбекистон чемпионати.
15.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Греция - Аргентина.
18.25 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.

билмасин»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Такси» худ.фильм
15.30 «ПРО КРАСНУЮ ШАПОЧКУ» 1-серия худ.фильм
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ТАКСИ-2» худ.фильм
23.40 Миксер

Чоршанба

07.00, 09.00, 10.30, 12.10, 16.40, 18.00, 19.30 Узбек наволари
08.00, 14.30, 18.30 Серил «Отанг билмасин»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Такси-2» худ.фильм
14.20 Prime time (рус)
15.30 «ПРО КРАСНУЮ ШАПОЧКУ» 2-серия худ.фильм
17.30 «Кинокурьер»
20.30 M-files
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»



YOSHLAR

23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Гана - Германия.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Тараннум».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

Пайшанба

6.00, 14.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлик наволари».
8.10 «Кумуш». Т/с.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Yoshlar-FM».
9.40 «Тасвир ва таассурот».
10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 22.00, 2.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Винни Пух». М/ф.
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 «Кичкинтойлар боғи».
11.00 «Баркамоллик йўлидан».
11.20 «Қишлоқ тараққиёти».
11.40 «Автопатруль».
12.00 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.
15.10 «Тараннум».
16.10 «Муъжизавий дунё».
17.10 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Келажақ эгалари».
18.20, 22.20 «UzEX».
18.50 «Огоҳ бўлинг!».
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - Италия.
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 «Хайтда ҳамма нарса бўлади». Т/с.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ёшлик наволари».
23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Дания - Япония.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Тараннум».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

Жума

6.00, 14.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлик наволари».



SPORT

18.50, 21.15 Саломатлик хазинаси.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. АҚШ - Жазоир. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
21.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - англия.
23.00 «Баркамол авлод».
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австралия - Сербия. Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади
1.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. Гана - Германия.
3.20 «Хайрли тун!»

Пайшанба

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.00, 21.00, 1.30 ХАБАРЛАР.
7.25, 12.50, 17.30 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
7.55 «Баркамол авлод».
8.30 «Малахов +».
9.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. АҚШ - Жазоир.
11.05 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - англия.
12.45 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Австралия - Сербия.
15.00 «ПроФРИНГ».
15.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Гана - Германия.
18.25 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.

18.50, 21.15 Саломатлик хазинаси.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. Парагвай - Янги Зеландия.
21.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - Италия.
23.00 «Олимп сари».
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Камерун - Голландия.
1.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. Да-

TV-MARKAZ

22.00 «ПОЙМАЙ МЕНЯ, ЕСЛИ СМОЖЕШЬ» худ.фильм
00.30 Миксер

Пайшанба

07.00, 07.40, 09.00, 10.30, 13.55, 18.10, 19.30 Узбек наволари
07.30 Prime time (рус)
08.00, 14.30, 18.30 Серил «Отанг билмасин»
09.30 Серил «Лас Вегас»
11.30 «Поймай меня, если сможешь» худ. фильм
15.30 Мультфильм «МАДАГАСКАР»
17.00 «Baby Terra Landiya»
17.30 Премьера (узб)
18.00 Prime time (рус)
21.00 Серил «ЛАС-ВЕГАС»
22.00 «ШАДДОД КИЗ» бадий

8.10 «Кумуш». Т/с.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Yoshlar-FM».
9.40 «Тасвир ва таассурот».
10.00, 13.00, 16.00, 18.30, 22.00, 2.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Винни Пух». М/ф.
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 «Сирли ўрмонча».
11.10 «Китоб - офтоб».
11.20 «Келажақ эгалари».
11.40 «Чемпион».
12.00 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.10 «Айланай».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.
14.20 «Огоҳ бўлинг!».
15.10 «Тараннум».
15.50 «Ёшлик баёзи».
16.10 «Муъжизавий дунё».
17.10 «Пуаро». Т/с.
18.00 «Яшаш сирлари».
18.20, 22.20 «UzEX».
18.50 «Баркамол авлод».
19.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Португалия - Бразилия.
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 «Хайтда ҳамма нарса бўлади». Т/с.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».

23.10 «Ёшлик наволари».
23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. Швейцария - Гондурас.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Тараннум».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

Шанба

6.00, 14.30, 1.20 «Салом, ёшлар!»
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Ёшлик наволари».
8.10 Миллий кино: «Сўзсиз севги». 1-қисм.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Yoshlar-FM».
9.40 «Тасвир ва таассурот».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 2.00 «Давр».
10.10 «Даврнинг боласи».
10.20 «Винни Пух». М/ф.
10.40 «Болалар табассуми».
10.50 «Билагон энциклопедияси».
11.30 «Yoshlar» гиёҳвандликка қарши: «Хайт кадри».
12.00 «Кўнгил боғи». Т/с.
12.50 «Ёшлик наволари».
13.10 «Нафс гирдоби».
13.30 «Шошилич парвоз». Т/с.

ния - Япония.
3.20 «Хайрли тун!»

Жума

7.00 «Хайрли тонг!»
7.15, 8.15, 18.00, 21.00, 1.30 ХАБАРЛАР.
7.25, 13.35, 17.30 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
7.55 «Олимп сари».
8.30 «Малахов +».
9.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Парагвай - Янги Зеландия.
11.05 «ПроФРИНГ».
11.50 Футбол. Жаҳон чемпионати. Словения - Италия.
13.30 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
14.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. Камерун - Голландия.
15.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Дания - Япония.
18.25 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.

18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. ҚХДР - Кот д'Ивуар.
21.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Португалия - Бразилия.
22.55 «Аптека слушает».
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. Чили - Испания.
1.40 Футбол. Жаҳон чемпионати. Швейцария - Гондурас.
3.20 «Хайрли тун!»

Шанба

7.30 «Хайрли тонг!»
7.45, 8.45, 18.00, 21.30 ХАБАРЛАР.
7.55, 13.05 Болалар майдончаси:
Тонгги гимнастика.
«Спортландия». Мультфильм.
8.30 Спортимиз маликалари
9.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. ҚХДР - Кот д'Ивуар.
10.45 «Файтер».
11.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Португалия - Бразилия.
13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

14.20 «Огоҳ бўлинг!»
15.10 «Тараннум».
16.10 «Катта танаффус».
16.40 «Миллий мультфильм».
17.00 «Қора китоб». Б/ф.
18.40 «Yoshlar» гиёҳвандликка қарши: «Зулмат аро».
19.30 «Тақдир қиссалари». Т/с.
20.30 «Айланай».
20.50 «Қизлар давраси».
21.00 «Ёшлик наволари».
21.10 «Хайтда ҳамма нарса бўлади». Т/с.
22.30 Серил: «Қалдирғочлар яна қайтади».
23.10 «Ёшлик наволари».
23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Тараннум».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

Якшанба

6.00 «Бугун».
6.40 «Рўзгор мактаби».
7.10 «Табассум қил!»
7.20 «Мультипанорама».
8.00 «Тошкент илҳомлари».
8.10 Миллий кино: «Сўзсиз севги». 2-қисм.
9.00 «Қизлар давраси».
9.10 «Ош бўлсин».
9.30 «Тонгги парвоз».
10.00 «Ватанпарвар».
10.40 «Сўғур кунин». Б/ф.
12.20 «Айланай».
12.40 «Ёшлар нонушаси».
13.00 «Соғлик - бойлик».
13.20 «13-студия».
13.40 «Томоша».
14.00 «Мерлин». Т/с 4-қисм.
14.50 «Болалар табассуми».
15.00 «Эртақлар оламида».
16.30 «Шаҳзоданинг қўшиғи». Т/с.
18.40 «Набатчи».
18.55 «Баркамол авлод».
19.00 «Давр». Хафта якуни.
19.30 «Тақдир қиссалари». Т/с.
20.30 «Рўзгор мактаби».
21.00 «Қизлар давраси».
21.10 «Тараннум».
22.00 «Питер-FM». Б/ф.
23.20 «Катталар учун мультфильм».
23.30 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
1.30 «KINOMANIYA».
2.00 «Давр». Хафта якуни.
2.30 «Шимол тафти». Т/с.
4.10 «Афсона ва ҳақиқат».
5.00 «Рақслар гулдаси».
5.50 - 6.00 «Юрт тинчлиги».

13.35 Футбол. Жаҳон чемпионати. Чили - Испания.
15.20 Футбол. Жаҳон чемпионати. Швейцария - Гондурас.
17.00 Муайтай. Осиё чемпионати олдидан.
17.20 «Стать ближе». Ток - шоу.

18.25 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
21.00 «RING».
21.25 Саломатлик хазинаси.
21.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 Жавоб учрашуви.
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
1.30 «Хайрли тун!»

Якшанба

7.30 «Хайрли тонг!»
7.45 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 Жавоб учрашуви.
9.30 «Тренируемся вместе».
9.50 Кувноқ стартлар.
10.30, 18.00, 21.00 ХАБАРЛАР.
10.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
12.30 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.35 «Стать ближе». Ток - шоу.
13.15 «RING».
13.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
15.25 «Маҳаллаамиз пахлавонлари».

16.00 Муайтай. Осиё чемпионати.
17.30 «Спорт - менинг ҳаётим».
18.30, 21.30 Саломатлик хазинаси.
18.35 Футбол. Жаҳон чемпионати кундалиги.
18.55 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
21.35 Футбол. Ўзбекистон кубоги. 1/4 Жавоб учрашуви
23.25 Футбол. Жаҳон чемпионати. 1/8 финал.
1.35 «Ринг қироллари».
2.35 «Хайрли тун!»

бадийи фильми
14.30 «Кулиарный гид»
15.00 «МАЛЕНЬКАЯ МИСС СЧАСТЬЕ» худ.фильм
18.00 Prime time (рус)
19.00 «Топ-10»
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 «ТАКСИ-3» худ.фильм
23.40-02.00 «Другое видео»

Якшанба

07.00, 11.00, 13.10, 16.40, 18.10 Узбек наволари
09.00 Мультфильм
10.30 «Baby Terra Landiya»
11.30 «Такси-3» худ.фильм
15.00 «ИНДИГО» худ.фильм
17.30 M-files
18.00 Prime time (рус)
20.30 «Кинокурьер»
21.00 Узбек наволари
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 «ПЕРЕВОЗЧИК» худ.фильм
23.40 Миксер

Она сути

Табиат мўъжизаси

— Она сути қандай фойдали хусусиятларга эга?

— Она сути — тенгсиз мўъжиза. У янги туғилган чақалоққа табиатнинг бебаҳо инояти. Муқаддас китобимиз Куръони Каримда она сутининг бебаҳолиги ҳақида шундай дейилган: «...тоза сутни сизга озуқа қилиб юбордик».

Она сутининг ўзига хос хусусияти шундаки, у турли касалликларга қарши бир умрга етадиган иммунитет ҳосил қилади. Унинг таркибида болани турли хасталиклардан асровчи моддалар — антителалар ва ферментлар, углеводлар мавжуд. Улар орасидан биргина углеводни олиб кўрадиган бўлса, у озиклик хусусиятидан ташқари, ичакда микробнинг ривожланишига қаршилик қилади.

Энг муҳими, она сутидан меҳр ришталарини боғловчи сеҳр бор. Сут таркибидаги калций ва фосфор тузлари эса бола суякларининг ўсишига ёрдам беради.

Бундан ташқари, кўкрак сути эмганда, болада кучли руҳий кечинмалар рўй беради. Негаки, сут таркибидаги биомолекулалар ичакдан қонга сўрилиб, қонда энкефалин ва андорфин каби кайфиятни кўтарадиган моддалар миқдорини кўпайтиради.

— Сунъий боқилган болалар она сути билан вояга етганлардан қай томонлама фарқ қилади?

Олий тоифали шифокор Нурулла ШАРИПОВ билан суҳбат

— Тажрибамдан маълумки, она сутини эммай катта бўлган боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши кечикади. Сунъий овқатлантириш эрта бошланган болаларда нимжонлик, касалликка мойиллик, тез чарчаш, яхши ўсмаслик кузатилади. Бола қанчалик кичиклигидан сунъий озиклантирилса, унинг соғлиғига бу шунчалик хавф солади.

Мутахассислар она сутидан маҳрум бўлган болаларда турли касалликлар кузатилиши билан бирга, уларнинг ҳис-туйғуларида ҳам салбий ҳолатлар юзага келишини кўрсатиб ўтган. Бундай болалар ота-оналарига нисбатан меҳрсизроқ бўлишади. Уларда семиришга мойиллик, аллергия кузатилади. Шу боис, иложи борича она сутидан баҳраманд бўлишига аҳамият бериш керак.

— Айрим аёллар қоматини бузилади, деб болани эмизмайди. Сунъий озиклантиришга ҳаркат қилади.

— Бу бирёқлама ва нотўғри фикр. Замонавий тиббиёт боланинг кўкрак сутини сўриши

она саломатлиги ва руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини исботлаган.

Аёл туққандан кейин табиий жараён тезлашади, сут ҳосил бўлиш жараёни мўътадиллашади, гўдак учун етарли сут келади. Энг муҳими, она саломатлиги, физиологик етуқлиги, қоматининг меъёрида сақланиши болани эмизиш билан боғлиқдир. Аввало, увуз сути она вужудини мойлаб, турли хасталиклар, айниқса, аёллар орасида кўп тарқалган кўкрак беши раки (саратон)нинг пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Хозир барча туғруқхоналарда гўдак туғилган заҳоти эмизиш учун онасига берилади. Негаки, тўққиз ой давомида она вужудида боғланиб ўсган гўдак дунёга келгандан сўнг ундан узоқлашса, салбий оқибатга олиб келиши мумкин.

Эътибор бериш керакки, эмизикли аёл ҳамиша ўзини яхши ҳис қилиши, дилбандини эмизишга истаги, муҳими, меҳри бўлиши лозим. Нохуш

кайфият ва ҳорғин ҳолат она-бола саломатлигига ёмон таъсир қилади. Она сутини камайишига, ҳатто йўқолишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

— Бола она сутини қанча муддат эмиши мақсадга мувофиқ?

— Қадим замонларда ҳам донишманд аждодларимиз, она сутининг хосиятини чуқур англаб, болани 2 ёшгача эмизганлар. Муқаддас китобларимизда ҳам «Ўғил болани ўттиз ой, қиз болани йигирма тўрт ой эмизиш керак», дейилади.

Тажрибамдан келиб чиқадиган бўлсам, ҳар бир бола камида бир ярим ёшгача она сутидан баҳраманд бўлиши шарт. Замонавий тиббиётнинг хулосасига кўра, ҳар бир онанинг сути шундай хусусиятга эгаки, унинг таркибида фарзандининг эҳтиёжи

учун зарур нарсалар бўлади. Бола дунёга келган кунидан бошлаб сут таркиби ҳам унинг ҳазм қилиш аъзоларига мослашиб боради. Гўдак улғайгани сари она сути ҳам унга мос равишда ўзгариши кузатилади. Борди-ю бола муддатидан олдин туғилса, унинг омон қолиши учун фақат онасининг сутини бериш керак.

Бир сўз билан айтганда, она сути нафақат фарзанд саломатлиги учун, балки оилавий меҳр ришталарининг мустаҳкамлиги, қолаверса, маънан етук инсонни камолга етказишда энг ишончли манбадир.

Суҳбатдош:
А. НАБИЕВА



Ўсиш организмнинг асосий биологик жараёни ҳисобланади. Ўсмирлик бошқа даврлардан ўзининг мураккаб кечиши билан фарқланиб турадиган, инсон онтогенетик ривожланишининг энг ўзгарувчан даврларидан биридир. Бу шифокорлар тилида «ўтиш даври», «огир давр», «инкироз даври» деб ҳам юритилади.

Ўсиш жараёнини шартли равишда еттига бўлиш мумкин: боланинг туғилишдан олдинги, туғилгандан сўнгги (4 ҳафта), эмизикли, сут тишлари чиқиш, мактабгача, 7 дан 14 ёшгача ва балоғат даври.

Организмнинг нормал ўсиши гормонлар таъсир кучига, тўқималарнинг сезувчан ва ҳозиржавоблигига, организм учун керакли энергиянинг етарли бўлиши ҳамда уларнинг бир-бирига нисбатан муносабатларига боғлиқ.


Балоғат ёшидаги киз-ўғилларнинг ўсиш жараёнини ўзгартирувчи ички омилларга наслий ва хромосом аномалияси, алкоголь, юқумли касалликлар, вирус, ўсма ва бошқалар қиради. Баъзан уларда бир-бирига қарама-қарши бўлган турли хил вазиятлар кузатилади.

Балоғат ёшига қираётган ўғил-қиз организмнинг ўсиши ва улғайиш жараёнида, асосан эндокрин система ва у билан бирга ўзаро боғлиқ бўлган суяк-тоғай системаси иштирок этади. Бундан ташқари, тўғри ва режали овқатланиш, овқат таркибида керакли оқсил, углевод, ёғ, минерал моддалар ва витаминлар сақланиши ҳамда унинг тўйимлилиги муҳим ўрин тутди.

Агар янги туғилган боланинг ўртача тана оғирлиги 2,8-3,3 кг. бўлса, бола вазни 6 ойлигида икки марта ва бир ёшга етганда уч баробар ошиши керак. Бир ёшдан сўнг вазнининг ошиши секинлашади ва бир ойда 250-300 грамм қўшилади.

Балоғат даврида бўй ўсиши ўғил болаларда ўрта ҳисобда 9,5 см., қизларда — 8 см.гача. Бу пайтда йигит ва қиз ўзидан кичкина укаларига

бошқача, катталиқ руҳи билан қарай бошлайди. 8-9 синфда ўқиётган ўсмирлар орасида ўзларини катталарга ўхшаб тутиш ҳоллари кузатилади. Бу даврда хат ёзишув, дўст тутиш, узоқ вақт хаёлга берилиш, қиз болани бошқа болалардан ҳимоя қилиш ҳоллари кузатилади. Улар ўртасида «биринчи муҳаббат» меъё-



рий ҳол ҳисобланади. Бу интилишлар улар хотирасида энг ширин дам бўлиб қолади. Уларнинг шаклланишида оиладаги муҳит, тартиб-қоидалар, ота-она ўртасидаги муносабатлар, ота-она касби, уларнинг рўзғор тебратиши катта рол ўйнайди.

Танадаги ўзгаришлар

Балоғат даврида тана тузилиши ўзгаради. Суяклар катталашади, тана нисбати жинсий томондан фарқланади. Масалан, ўғил болаларда бўйнинг

баладлиги ва елка кенлиги, қизларда эса чаноқ ҳажмининг катталашуви кузатилади.

Ўсмир организмда рўй берадиган ўзгаришлар шундан иборатки, бола ривожланишининг айна шу даврда биологик, физиологик ўзгаришлар кузатилади. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгариши билан кечади. Бу даврда ички секреция, яъни эндокрин безларидан бири — гипофиз безининг функцияси фаоллашади.

У ҳажм жиҳатдан жуда кичкина — 0,5-0,7 граммни ташкил қилиб, миёдаги турк эгарининг чуқурчасида жойлашган. Унинг олдинги, ўрта ва орқа

Балоғат даври

бўлаклари мавжуд. Ҳозирги пайтда гипофизнинг олдинги бўлагидан ишланадиган бир неча гормонлар соф ҳолда ажратиб олинган: бўй ўстирувчи, жинсий, буйрак усти ва қалқонсимон безлар фаолиятини бошқарувчи ҳамда модда алмашинувида иштирок этувчи гормонлар. Улар ўсмир организмда кўплаб ўзгаришларни юзага келтиради. Жумладан, бўйнинг бир йилда ўғил болаларда 4-5 см, қизларда 3-4 см. ўсиши кузатилади. Бу жараён қиз болада 13-15 ёшда жадал кечади. Кўпинча, қиз боланинг тана тузилиши 60-70 фоиз онасига ўхшайди.

Новчалик

Новчалик — ёшга ва жинсга нисбатан номувофиқ равишда меъёрдан четга чиқадиган даражада зўрайиш-

дир. Касаллик аксар ҳолда вояга етиш даврида ривожланади. Турмушда ота-оналар фарзандининг ёки ўсмирнинг ўзи бўйининг ўсиб кетишидан нолийди. Бу конституционал новчалик ёки ўспиринлик давридаги тез ўсишдир. Бу ирсият билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда новчалик касаллик ҳисобланмайди.

Паканалик

Жисмоний ўсишда орқада қолиш демакдир. Ҳар бир мактабда пакана болалар мавжуд. Бунда 3-5 ёшдан кейин бола ўсишда тенгқурларидан орқада қола бошлайди.

Ўсмирлик чоғида умуртқа поғонаси ўсиши бўйнинг ўсиш суръатидан орқада қолади. Чунки 14 ёшгача умуртқа поғоналари ўртасидаги оралик тоғайлар билан тўлган бўлади. Умуртқа ривожланиши бузилишининг энг кўп ҳолати 11-16 ёшларга тўғри келади ва айна шу ёшда рўй бериши мумкин бўлган нуқсонларни бартараф этиш осон кечади.

Мускул вазни ва мускул кучларининг ортиши жинсий балоғатга етишнинг сўнгги палласида амалга ошади. Ўғил болалар ёшлигидан спортга қатнаши натижа беради. Гормонлар организмда модда алмашинувини кескин кўзгатади. Бундай ҳолат ўспирин йигитлар танасида туклар пайдо бўлиши, хуснбузарлар чиқиши билан кечади. Бу даврда ўсмирлар ўзларининг қиёфасига катта аҳамият беришади, узоқ вақт қиёфасини ойнада томоша қилади, хуснбузар билан ўзича курашади, озишга ҳаракат қилади. Тиббиёт муассасаларида, мактабларда балоғатга етган йигит ва қизлар бўйи ва тана оғирлиги ўлчаб борилиши керак. Агар текшириш вақтида улғайишда салбий ўзгариш бўлса, албатта, уни эндокринологга кўрсатиш ва маслаҳат олиш зарур.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
Тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Кузгун, чумчуқ, чивин сиққан кўкка нахот парвозсевар кабутар сигмаса. Кўк ана шундай куши билан гўзал-ку! Кўкнинг қадри ана шу кушлари билан-ку!

(Ёндафтардан).

Оқ лайлақлар камайиб-камайиб қолди... Сунбула туғди.

Ариқ суви тинди. Ариқ тубига қараса, нимаки бўлса, кўринадиган бўлди. Сувга қўл тикса, қўл сесканди. Бадан жимир-жимир этди.

Кишиллар оғзи «жўхори кабоб»га етди.

Сунбуланинг кўраги гўсаланинг хўраги бўлди...

— Сапаркулни ўғли ўқишдан йиқилибди.

— Қайси ўғли?

— Қизиққансиз-ку, ўзи битта ўғли бўлса.

— Қайси Сапаркулни айтяпсиз? Анови тракторчими?

— Оббо, Сапаркул тракторчининг ҳамма боласи ҳали гўдак-ку! Сапаркул малимини айтяпман. Ушанинг ўғли.

— Ҳа, уми?! Уша бола ўзи жуда калонди-моғ. Ўзича ҳеч кимни писанд қилмайди. На саломни билади, на алиқни билади. Яна ҳа-ёлпарастми-ей, ўқишга қандай киради?!

— Ундай деманг. Айтмасдан бурун сўзга сен эга, айтгандан кейин сўз сенга эга, дейишган. Мен ҳеч ёмонлигини кўрмадим ўша болани, бировга зарари тегмас. Қачон қарасанг, қўлидан китоб тушмайди. Унинг устига ота-энасига иш бермайди. Ҳа энди, ҳозир ўқишга кириш ҳам осон бўлмай қолди.

— Унисини билмадим-у, Рўзивой агрономнинг ўғли ўқишга кирибди.

— Нимаям деймиз, кун — кучлиники, қовурга — тишлиники экан.

— Айтгилиги йўқ, зўрнинг кети тегирмон юргизибди...

Яхши гап билан ёмон гап бир манзилга бориши керак бўлса, яхши гап манзил ярмига етганда, ёмон гап ўша манзил ҳукмронлигини ўз қўлига олиб, давр-у даврон суриб ётади! Яхши гап булутдай сокинлик билан сузади. Ёмон гап чакмоқ мисол бўлади.

... Худди ҳамма устидан кулаётгандай. Қишлоқда ўқишга киролмаганлар кўп-ку, ҳамма уни гапирди. Йиқилса-йиқилибди-да, осмон узилиб ерга тушибдими? Ота-онаси ишончини-да оқлай олмади. Ҳамманинг олдида юзи шувут бўлди.

«Сапаркулнинг ўғли ўқишдан йиқилибди». Отанг нечилик-игначилик, сенга ким кўйибди темирчилик?! «Пастроқ» институт йўқми-ди?! Ишлаш керак! Пул топиб оиласига ёрдам берса, озгина бўлса-да, юзи ёруғ бўлади. Ушанда ўзиям чалғийди...

Уни гавжумда қидирганлар овора бўлади. Ғала-ғовурда излаганлар сарсон бўлади.

У азонлаб дала томон шошади. Сигирни арқонлаб келади. Бир боғ пичанни велосипедига орқалаб, елдай учади.

Велосипед ҳайдаб хиргойи қилади. Овозини баралла кўйиб кўшиқ айтади. Бақириб-бақириб кўшиқ айтади. Кенг далада ҳеч ким эшитмайди-да!

Ёмғир ёғса, ташқарига чиқиб олади. Ҳаммаёғи шалаббо бўлади. Эйтибор бермайди, юраверади, юраверади. Четдан қараган, нима, бу жинними, дейди. Эҳ, ёмғирни нега яхши кўришини ўзиям билмайди-да!

Қишда туни билан қор ёғиб чиқса, тонгда томга чиқиб, қор қурайди. Қор қураб терласанг, ҳамма касалинг чиқиб кетади, дейди.

Ҳашар усиз ўтмайди. Ҳашарда елкаси яғир бўладиган ҳам у.

Аммо ҳашар ошидан қочиб кетади.

Нима эмиш, ошга яраша иш қилмадим, эмиш.

Кимнинг уйида китоби йўқ бўлса, ўшани камбағал, дейди.

Кўнгил қаноти осмондан катта дейдилар.

У кўнглига ўтирганлар билан дўст тутинди.

Ана ўшалардан сўранг унинг кимлигини!..

Анвар гап топиб келди:

— Исма, ошна, тоғамнинг уйида иши бор экан. Мингта гишт куйиб беринглар деяптилар.

... Ҳовлиқма йигит, лекин «кетмони вақтида учади».

Унда кетмонни эслатувчи нимадир бор. Ҳа, ҳа... кўйлақни кетмондастага кийдириб қўйса қандай бўлади — худди ўшанинг ўзи.

Кун қорайганда, тоғасининг кўчасига келишди.

— Юр, аввал момоникига кириб чиқайлик, — бошлади Анвар.

Дарвоза тақиллатмай, овоз бермай кириб боришди.

Хумкалла, кўзи катта-катта бола таёқ

«от»ини миниб юрган экан. Анвар ким бор уйда, дея қўлини узатди. Бола Анварнинг қўлига «тарс» этиб бир урди-да, момо, Анвар акам келди, деб ичкарига кириб кетди.

Ичкарилашди. Бирдан димоққа дори ҳиди урилди.

— Болам кепти мени, болам кепти, — момоси тиззасига қўлини тираб, «Вой жоним-эй» дея базўр ўрнидан кўзгалди. — Қани-қани, пойгакка ўтирманглар, тўрга ўтинглар.

Исмаат бўғилди. Хонанинг торлиги-ю, ёқимсиз дори ҳиди бошини айлантди. Тезроқ кетгиси келди. Эски сим каровотда соқоли ўсиқ, қорамғиз, ёноқлари ботиқ киши ухларди. Ухлайди ҳам эмас, кўзини юмиб, жимгина ётгандай. Каровот рўпарасидаги темир печка устидан сим тортилиб, ёш-ёш болаларнинг кийими осилган.

Бурчақда телевизор қаққайиб турарди — «Рекорд».

Момоси дастурхон ёзди — уч-тўрт бўлак нон, бир ҳовуч увоқ.

— Момо, яхшимисиз, чарчамай юрибсизми, ҳа, бир бормайсизам.

— Ҳа, болам, ўзларинг тинч бўлсанглар бўлди-да. Бирон кун борармиз.

кечкурун зарил бўлиб қолади. Қани-қани, ошдан ол, Анвар, айт ошангга, совиб қолмасдан олинглар, қани.

Телевизорда футбол беряпти. Исмаат футбол кўрган бўлди.

Кўзини экрандан узмади.

Кўзи экранда бўлди.

Хаёли... аллақайларда бўлди.

... сим каровотдаги хаста киши. На ўғлига, на ўзига жон куйдириш қўлидан келадиган маънос она. Кувноқ шеър айтаётган, лекин... кўзи тўла мунг, жажжигина, сочи жингалак қизча. Меҳмонга деб дастурхон ёйган, қўйишга уч-тўрт бурда қотган нондан бўлак нарсага йўқлигидан ошнаси олдида уяти ичга тушган Анвар...

Кўзи футболда бўлди...

Беш юзта гишт куйиб бўлишди.

Иш унга қийинмас — кимирлаган қир ошар. Енгинада ариқ шариллаб оқади. Исмаат лой қориб, аравага солиб, тўкиб беради. Анвар куйиб кетаверади. Унинг иши осонроқ, лекин... Пешонасидаги терини артолмайди. Бетидан пашша чакса, қаший олмайдди. Иккала қўлиям лой.

Шўрликка қийин, жуда қийин!

Ҳар замонда Хуршид қўлида чойнак билан кўриниб қолади. Гапга тутлади. Узи бир



— Тоғам яхши бўлиб қолдимиз?

— Шукр, болам, шукр. Анча яхши.

— Рўзивой тоғам иш бор деганди. Шунга ошнам билан бир келувдик.

— Ҳмм, ўртадаги деворни охиригача етказиб қўяман, деб юрганди. Шунга гишт куйдирса керак.

Момо киприк қоқмай дастурхонга термулиб-термулиб қолди...

Шу пайт бояги хумкалла, кўзи катта-катта бола билан кичкинагина, жингалак соч қизча пилдираб, бирин-кетин кириб келишди.

Қизча ўзини момоси кучоғига отди. Момоси рўмоли учини аста тортиб, ўйнай бошлади.

— Тоғаларингга шеърингни айтиб бер.

Қизча бир Анварга, бир Исмаатга қаради. Бошини кўтариб, момосига жавдиради.

— Айт қизим, айтиб бер. «арча-арча»ни, «қорбува»ни, қани бир айт қани.

— ... айча-айча, жон айча, япйоклайи нинача...

Сим каровотда ётган киши охири кўзини очди. Қизчасига қаради. Синиқ жилмайди.

— Ҳа жиян, мазанг зўрми, кўринмай қолдинг, олам-поччамлар яхши юришибдими?

— Яхши, яхши. Соғлиқ қандай? Ўзингиз зўрмисиз?

— Бўлади, аста-аста.

... Орага чўккан ноқулай жимликни Анвар бўзди:

— Бўлмаса, биз Рўзивой тоғамникига ўтиб келайлик. Кеч ҳам тушиб қолди.

Кўзгалиб, чиқаётганларида Исмаатга димоқни бўғувчи ёқимсиз дори ҳиди чекиниб, эндигина кўлаётган майса ҳиди таралаётгандай туюлди...

Кейинги уй — Рўзивой агрономники. Серҳашам. Дарвозани тақиллатишди. Ичкарида ит ириллади: овозидан қопағон.

— Ёт, Бўйноқ, ёт.

Тоғаси чиқиб келди.

Салом-алик. «Кир-кир».

Ичкари уйдан тўралган помидор билан янги сузилган палов иси келарди.

— Ҳе, жиян, қайнонанг яхши кўраркан. Қани, ошдан олинглар. Эй, Саодат, болаларинг қани?

Қисиниб-қимтиниб, бир чеккадан ўтиришди.

— Қаерда дайдиб юрибсанлар, ўласанми кеч тушганда уйда ўтирсанг, — болаларини уришган бўлди уй эгаси. — Хуршид қаерга йўқ бўлиб кетган. Унинг иши доим

чўпни уёқдан-буёққа олиб кўйишга эринади — яна ақл ўргатади.

— Сен ўқишга бормайсанми, — сўрайди Исмаат.

— Ҳозир пахта-ку, гаплашиб кўйганман. Исмаат, сени ўқишинг бўлмадим-ей, ҳамма домлалар макташарди-ку.

— Кучлилар кўп экан. Озроқ билимим етмай қолди.

— Чиндан, ҳозир ўзи фақат калласи кучлилар қиряпти.

— Менга қара-да, — Исмаат аравага лой солишни тўхтатиб деди: — Оқсаройни ким қурдирган?

— Ҳмм... анови... Навоиймиди, ким эди. Вариант қил.

— Йўқ-йўқ, тўғри топдинг, — аравани суриб кетди Исмаат.

Шундан кейин Хуршид қорасини кўрсатмади. Чойниям янғаси кўйиб кетади...

Иш бўларига етди.

Тоғаси Анварга пул тутқазди:

— Мана эллик минг, рози бўлинглар.

Исмаат айтди:

— Нимага, мингта куйиб берасизлар, ҳар бирига юз сўмдан бераман деган эдингиз-ку!

— Энди ука, қара, қуйган гишларинг қинғир-қийишқ бўлса. Манавиларини қара, сомон кўшмаганмисизлар, ёрилиб-ёрилиб кетган. Ўрнимда бошқа одам бўлганда, ҳаммасини қайтадан куйдирарди. Шунисигаюм шукр қил.

— Қани ёрилгани, қуёшда тургандан кейин ҳеч бўлмаса, битта-иккита чизиги бўлади-да.

— Ука, менга ақл ўргатма, қўл учида иш қилиб куйиб, энди менга ўдагайлама. Мана буларни қара, нима лой-лой ўйнадингларми?

Исмаат деворга тиралган велосипедини оларкан деди:

— Бўлмаса, тўғри-тўғри гиштни ўзингиз куйиб олинг, кейин... бошингизга уринг ўша пулни!

— Тирранча-ей, бунни шишиниб кетганини қаранг. Тўғри-да, ишни кўнгилдагидай қил. Дўндириб қил. Ана кейин талаб қил. Боққанинг тўртта эчки, қичқирганинг оламини бузади. Кўчада қолган пул борми?!

Исмаат уйга келиб, онасининг, овқатингидан еб ол, дейишига ҳам қарамасдан дарсхонасига ўтиб кетди. Анчадан бери бамайлихотир ухламаган эди. Маълум вақтда турининг алағ бўлса, яна мажбурий бўлса, ухлагандай бўлмайди одам.

Туш кўрибди: кўм-кўк осмонмиш. Оппоқ кабутар қанотини париллатиб учармиш. Оёғида патиям бор. Унга қараб учгиси келармиш. Кўм-кўк осмонда оппоқ кабутар парвозини кўрсанг, дилинг яшнайдди. Ташвишинг унутилиб, орзуларинг қанот бойлаб учади...

Шу пайт қаердандир қора кузгун кабутарга ҳужум қилганмиш. У пастда ҳайрон: кабутарнинг кузгунларга зарари тегмас, у гўшт емаса, ё... кузгунлар дон ейишарми-кан?..

Исмаат кузгунга қараб бақирай дермиш-у, овози чиқмасмиш. Ё тош отиб қувиш керак. Ерга эгилиб тош олибди-ю, қани энди кучи етса...

Йўқ-йўқ, кузгуннинг ҳужуми кабутар парвозига тўсиқ бўлинмабди. Кабутар кўкда дилларга севинч улашиб, айланаб-айланиб учармиш...

— Исмаат, хоҳласанг юр шаҳарга, янги участка кўтаряпмиз. Анча иш бор. Раим аканинг ўғлини танийсанми? Ўзи сизлар тенги. Азамат. Занғар, ўпкасини шамоллатиб кўйибди. Ўрнига одам керак. Борсанг, олиб кетаман.

... Тўйчи аканинг суяги далада қотган. Болалари кўп.

Участка бир каттаники экан. Ҳар кун келиб нон-чойдан хабар олади. Қўл остидан гилар ҳар кун тушдан кейин — ёмғирдан кейинги кўзқориндай пайдо бўлишади. Албатта, гап сотишгамас, ишлашга! Тўйчи ака гишт ҳам тераверади, гурунгниям бераверади. Одамни зериктирмайди. Кўпинча гаплари гуруннга эмас, ўзига тасалли бераётганга ўрнайди (нимаям қилсин?!)

Участка одам бўйидан ошди.

— Бу уйни меҳмонхона қиламан, бунисида телевизор кўриб дам оламан, буниси ётоқ бўлади. «Ҳали бу уй шаҳарда битта бўлади». Катта ҳар кун бир гапни такрорлайди. Кечкурун каттанинг битмаган ҳаммомида ётишади.

... Исмаат доимгидек китоб ўқиб ётарди. Тўрда Тўйчи аканинг хурраги чигирткалар чириллаши билан ҳамоҳанг бўлиб, тун сукунатини бузади. Қолганлар яна бир каттанинг уйини қураётган усталар олдида ўтиб кетишган. Ичиб келишади. Дарров ухласа-ку майли.

— Ўқиб, нима қиласан, ундан кўра иш бил, мана неча йилдан бери ўқишдан йиқилияпсан, ишга кир... Лекин... биз ўқимадик... Хиқ... ўқисак... ҳозир ана шу катта менинг уйимни қураётган бўлармиди...

Бу сафар ичиб келишмади. Бири кирди-ю, нимадир эсидан чиққандай ортига қайтди. Кейин эски араванинг ёғланмаган филдираги «ғийқ-ғийқ» эшитилди.

Исмаат ташқарилади.

— Ҳа, студент, уйку келмаяптими.

Унга «студент» дейиши ёқшини биларди.

Шаҳарда ярим тунда ҳам машиналар тинмайди. Юлдузлар кишлоғи томон чўзилиб кетган... Эрта-индин иш ҳақини бериб қолса керак. Кейин бир уйга бориб келарди...

Эртаси ўн беш қоп цемент қаёққадир гойиб бўлибди. Ҳеч ким бўйнига олмади. Исмаат билди — кечаси ивирсиб юрган усталар қилган, бекорга оғзи қулоғида эмас уларнинг.

Катта эшитиб, ҳеч хуноб бўлмади:

— Цементнинг ҳақини пуллариингдан ушлаб қоламан.

... Осмон қора тўн кийди. Ёмғир савалади.

Бечора кабутар ёмғирда қолиб кетди...

Исмаат эртасига нарсаларини жойлаб, уйга отланди. Тўйчи ака ҳовлиқиб кирди:

— Катта авария бўлибди. Бир Камазнинг тагига кириб кетибди... Жойи жаннатда бўлсин. — Юзига фотиҳа тортиди. — Занғар, энди бизнинг пулимизни ким беради, кимнинг олдида борамиз?!

Исмаат дангиллама уйга бош-адоқ қараб чиқди.

Эсиз шунча пул, шундай уй. Борингни сарфлаб, емай-ичмай, бола-чақанг ризқини қийиб, шундай уй курсанг-у унда бир кун ҳам яшаш насиб қилмас.

...Таксига ўтирди. Қараса, қишлоқдоши!

— Рўзивой аканинг мошинини олдим. Пул керак бўлиб қолган экан. Энди такси қилиб юрибман. Рўзивой аканинг ўғлини ўқишдан ҳайдаб юборишди. Наша сотармишми, чечкармишми-ей... Ичкилиб шунга пул керак бўлдим, у мошинни сотди — мен олдим.

Исмаат машина ойнасидан мовий осмонга қаради.

Осмонда... ўша... кабутар парвоз қиларди. Осмон тахтасига оқ қанотлари билан нимадир ёзаётгандай эди. На қора кузгун, на қора булутлар унга ҳалал берарди.

Оёғида пати ҳам бор эди...

Бекзод ЎКТАМ



шаҳар Шерозий кўчаси 5-уй 14-хонадонда яшовчи Азамат Вазиров. — Ҳукуматимиз томонидан ёшларга, хусусан, ёш оилаларга жуда катта ёрдам берилмоқда. Ўзимга келсам, олий маълумотли бўлишда давлатимизнинг ёшларга берган имтиёз ва шароитларидан кўп фойдаландим. Ишли, уйлангандан кейин уйли бўлдим.

Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан ёшларга жуда катта эътибор берилди. Буни «Ипотека

га топширишга ҳаракат қилишяпти. Айтиш чоғда, бу ерда 126 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Улар бетон қуйиш, ғишт териш, плита ва металл каркас ўрнатиш, электромонтаж ва бошқа ишларни бажаришмоқда.

Филиал ёш оилаларга ипотека кредити бериш билан бир қаторда, бошқа хизматларни ҳам ҳаётга татбиқ этмоқда. Аҳолининг банк тизимига ишончини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш, пластик карточкаларда хизмат кўрсатиш, кичик бизнес субъектлари, фермер хўжаликларни кредитлаш, миқозлар билан ишлаш маданияти ва бошқа ишларни шулар жумласига киритиш мумкин. Бунда «Мижоз банк

нинг қисқаришига хизмат қилди.

Нақд пулнинг банкдан ташқарида айланишини қисқартиришда пластик карточкаларнинг аҳамияти катта. Буни ўз вақтида тушунган филиал ходимлари вилоятда нақд пулсиз ҳисоб-китобни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунга келиб, банк томонидан 210 та корхона ва ташкилотларга иш ҳақи лойиҳасига асосан 17600 та пластик карточкалар тарқатилган. 165 та терминал миқозларга қулай бўлган савдо шохобчалари ва махсус кассаларга ўрнатилган. Беш ой давомида пластик карточкаларга 7,5 млрд. сўмдан зиёд маблағ ўтказилди.

2010 йил 1 июн ҳолатига кўра банк томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга 2,7 млрд. сўмдан зиёд кредит маблағлари йўналтирилган бўлиб, натижада, 239 та янги иш ўрни яратилди. Бундан озиқ-овқат, нооziқ-овқат молларини ишлаб чиқарувчи кичик бизнес субъектлари, тадбиркор аёллар баҳраманд бўлишди.

Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш юзасидан ҳам бир мунча ишлар қилинди. Хусусан, ўтган даврда 17 нафар фуқарога 32 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Улар бу маблағга қорамол ва парранда сотиб олишди. Бугунги кунда ушбу оилалар ўзлари етиштирган гўшт ва сут маҳсулотлари ҳисобидан турмуш тарзини яхшилашга эришмоқда.

Филиал ҳозирги кунда 68 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Фермерлар учун ҳозир далада иш айти кизиган пайт. Кимдир пахтага ишлов берса, кимдир етиштирилган ғаллани ўриб-йигиб олиш учун тайёргарлик кўраётди. Буларнинг бари пулга келиб тақалади. Буни эътиборга олган банк мутасаддилари уларни керакли маблағ билан қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Аниқроқ айтганда, фермерларга шу йилнинг ўзида пахта етиштириш учун 1 млрд. 471,7 млн. сўм, ғаллага 470,1 млн. сўм имтиёзли кредитлар берилди. Битта фермер хўжалигига чопиқ трактор сотиб олишга ёрдамлашилди.

Фулум ЮСУПОВ,
«Ishonch» мухбири

Ёш оилаларга — замонавий уйлар

— Мен Наманган вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармасида ишлайман, — дейди Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи Акрам Исмаилов. — 2007 йил оилали бўлганимдан кейин олдимизда турар-жой муаммоси чиқиб қолди. Қарз кўтариб бирорта уй сотиб олмакчи бўлдим. Бўлмади. Ва ниҳоят, ўтган йили бир танишимдан шаҳарда ёш оилалар учун уй қуриладиганини эшитиб қолдим. Фурсатни бой бермай «Ипотека банк»нинг вилоят филиалига бордим. У ердагилар мени яхши кутиб олишди. Хужжатлар расмийлаштирилгач, 19 млн. сўм кредит ажратилди. Ҳозир ҳамма шароитга эга янги уйда оилам билан яшаб келмоқдаман.

— Мен вилоят давлат божхона бошқармаси ходимиман, — дея суҳбатга қўшилди Султонмурод Ҳафизов. — Турмуш ўртоғим — уй бекаси. Бултур мазкур банк бошқарманинг олдида ариза билан кирдим. Унда ёш оила сифатида уй-жойга муҳтожлигим ҳақида ёзгандим. Кредит комиссияси мурожаатимни ижобий ҳал қилиб, менга 33 млн. сўмдан зиёдроқ маблағни кредит сифатида ажратишга қарор қилди. Натижада, замонавий қурилган уч хонали янги уйга эга бўлдим. Бунинг учун аввало давлатимизга, кейин банк мутасаддиларига миннатдорчилик билдираман.

— Президентимизга ва давлатимизга раҳмат, — суҳбатга яқун ясади Наманган

банкнинг Наманган вилоят филиалида амалга оширилаётган ишларида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Ўтган йили Наманган шаҳар Шерозий кўчасида бирварақайига ҳар бири 32 хонадондан иборат иккита янги уй қуриб битказилди. Бу ишни «Наманганжамоасаноатқурилиш» уюшмаси бунёдкорлари ниҳосига етказишди. Банк эса ушбу қурилиш ташкилотини кредит маблағи билан таъминлаб турди. Биноларнинг ташқи дизайни, ички кўриниши ҳозирги замон талабларига тўла жавоб беради. Ҳозир бу ерда 64 та ёш оила имтиёзли ипотека кредити ҳисобига олинган уйларда яшаб келмоқда. Хоналарнинг кенглиги ва яшаш учун яратилган барча шароитдан улар жуда мамнун.

Ҳозирги кунда шаҳарда Баркамол авлод йилига бағишлаб яна иккита, ҳар бири 22 хонадондан иборат уй-жой қурилмоқда. Бу юмушни юқорида тилга олиб ўтилган қурилиш ташкилоти амалга оширмоқда. Банк томонидан 2 млрд. 600 млн. сўмлик кредит линияси очилган. Қурувчилар объект-ни Мустақиллик байрамигача фойдаланиш-

учун эмас, банк миқоз учун» тамойилига қатъий риоя қилинмоқда. Натижада, жорий йилнинг 1 июн ҳолатига омонат қолдиги қарийб 2 млрд. сўмга етказилди.

Умуман олганда, филиалда нақд пул муомаласини такомиллаштириш, унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва депозит ҳисобварақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Жумладан, шу йилнинг беш ойи ичида 11 та жамғарма кассалар томонидан 4 млрд. 377,8 млн. сўм коммунал ва бошқа тўловлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Электрэнергиядан фойдаланганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш мақсадида, филиалда 3 та махсус касса фаолият кўрсатиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, беш ой ичида банк кассаларига жалб қилинган жами нақд пул ҳажми 19,5 млрд. сўмдан ошиб кетди. Чиким 18,6 млрд. сўмини ташкил этди. Бу ўз навбатида вилоятда нақд пул эмиссияси-

Банк ва бизнес

Сирдарё вилоятида йилнинг ўтган даври мобайнида 5706 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинди. Соҳани молиявий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилиб, тижорат банкларининг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан икки баробар кўп миқдорда кредит ажратилди. Пировардида, ялпи худудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнес улуши 49 фоизни ташкил этди.

«Боёвот бунёдкорлари» хусусий қурилиш корхонаси пишган ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида «Асака» банкнинг вилоят филиалидан 500 миллион сўм кредит олди. Натижада, ишлар юришиб кетди. Россиядан ғишт ишлаб чиқарувчи замонавий печлар келтириб ўрнатилди. Шунингдек, 70 нафар маҳаллий ёш доимий ишли бўлди. Айтиш пайтда, бу ерда ҳар куни 30 минг дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда.

«Микрокредитбанк» ОАТБ Сирдарё вилоят филиали Гулистон, Янгиер шаҳрилик якка тадбиркорлар Ҳафиза Маҳкамова, Инобат Назарова, Оқолтин туманидан Наргиза Қирғизова, Азизбек Мавлонов, Зилола Норқулова, сардобалик Шодиёр Нурмаматовларга 2-3 миллион сўмдан кредит ажратди. Бундан ташқари, «Гулистон-чин-нисервис», «Мовий осмон сиймоси», «Мўъжаз-қўркам», «Музаффар Ғўзал — Сардор»



хусусий фирмалари ҳам 15-20 миллион сўм миқдорда кредит билан таъминланди.

Сайхунобод туманидаги «Мурувват Аҳмад» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси банкдан олинган 198 миллион сўм сармоя ҳисобидан ривожланди. Банк томонидан ўтган давр давомида кичик бизнес субъектларига жами 2 миллиард 780 миллион сўм миқдорда кредит берилди.

Бу эса ўз навбатида, 4238 та янги иш ўрни яратилишини таъминлади.

Н.АНОРБОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи мухбири

Чорвачилик — касоба уюшмаси оталиғида

Томди тумани асосан чорва етиштиришга ихтисослашган бўлиб, унинг бағрида ўз қасбини улуглай билган, овули, она диёрини шарафлаб келаётган сабру садоқат соҳиблари умргузаронлик қилмоқда. Зарафшон шаҳрида кон-металлургия ишлари бўйича кўплаб иш ўринлари яратилгач, аксарият ёшлар ўша тарафларга кўчиб кетишди. Авлоддан авлодга ўтиб келаётган чўпон таёғи фидойи инсонларга қолди.

Чўпон таёғи

— Туманимизда 59 та давлат, 69 та хусусий корхона, 34 та фермер ва 9 та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, — дейди агросаноат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Томди туман кенгаши раиси Келдеш ака Мамаев. — Аҳоли сони унчалик кўп бўлмаслигига қарамасдан, туманда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш таннархи 15838,6 млн. сўмни ташкил этди. Агар жорий йилнинг 1 январига қадар бўлган ҳолатни оладиган бўлсак, барча тоифадаги хўжаликларда жами майда шохли моллар сони 377032 бош, йирик шохли қорамоллар сони 1779 бош, туялар 2667 бош, отлар эса 3841 бошга етказилди. Ўтган йил томдилликлар 74475 центнер гўшт, 6769 центнер жун, 60781 дона қоракўл тери, 16742 центнер сут, 242575 минг дона тухум маҳсулотлари етказди. Бу қадар салмоқли улуш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Турли миллатга мансуб кишилар қўлни-қўлга бериб камарбаста меҳнат қилаётди.

Марина Абдуллаева Таълим ва фан ходимлари Томди туман бирлашган касоба уюшма кўмитаси раиси:

— Миллатим қорақалпоқ. Нукус шаҳридаги Қорақалпоқ давлат университетини тугатгач, ишга олиб қолишмоқчи бўлишди. Ҳар қалай, катта шаҳар эмасми, яшаш, изланиш учун шароитлар етарли эди. Лекин қололмадим. Қандайдир ички куч, болалигим ўтган шу чўл меҳри ўзига чорлаб қўймади. Келиб кам бўлганим йўқ.

Туман иқтисодий тармоқларининг сўнгги йиллардаги ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларига назар ташласак, сезиларли силжиш, иш юритувига янгича ёндошув ва юксалиш кузатилади.


Овул фуқаролар йиғинлари, аҳоли пунктиларидаги ҳаёт тарзини кўз билан кўриш истаги бизни туман марказидан 65-70 километр олислиқда жойлашган «Томди» наслчилик ширкат хўжалиги томон бошлади. Бу ерда чорвадорлар 3 та фермага бириккан ҳолда меҳнат қилишади. Кенгликларда 75 та отар жойлашган бўлиб, чўпон-чўлиқлар оилавий пудрат асосида ишлашни маъқул кўришади. Масалан, Сайетқул Абдурауковни олайлик, отаси Алдаберген эл озғига тушган донгдор чўпон эди. Бундан қарийб 33 йил олдин Сайетқул хўжалигининг Жангилди фермасида ёрдамчи чўпон, 1999 йилда эса каттагина сурув бош чўпони бўлди. Унга хотини Айсулу ҳамда тўрт фарзанди кўмакдош. Ширкат хўжалиги раиси А.Жарылқапвнинг айтишича, бундай касб фидойилари талай. Қ.Карсаҳов, Е.Базарбаев, Х.Хўжакедиев сингари чўпонлар ана шулар сира-сидандир.

Туманда 35 та аҳоли пункти бўлиб, уларда озиқ-овқат, маиший хизмат кўрсатиш, сервис шохобчалари мавжуд. Еттига хўжаликдаги касаначилик марказларида ўнлаб чевар хотин-қизлар иш билан таъминланган.

Куннинг иккинчи ярмида туман марказидаги «Арай» оромгоҳида олиб борилаётган тайёргарлик ишлари билан танишдик. Остонадан ҳатлар чоғида, «Арай» нима деган савол билан оромгоҳ раҳбари Пория Ичи-синовага юзландик.

— Арайми, бу қозоқ тилида «тонг шафағи» демакдир. Айтишларича, тонгни вақтли туриб қаршилаган киши, албатта, бахтли бўлармиш.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Ўрик мураббоси

Ўрик мураббоси камқонлик, дармонсизлик, юрак ва ошқозон-ичак касалликларига даво. Айниқса, бавосилга фойдали.

Мураббо тайёрлаш учун эзилмаган, пишган мева танланади. Мураббо икки хил усулда пиширилади.

Биринчи усул: ўрик иккига ажратилиб, данаги олиб ташланади. Сараланган мева сирли идишга солиниб, устидан шакар сепаб, шарбати чиққунча салқин жойда сақланади. Шарбати чиққач, паст оловга қўйиб, шакари эригунча эҳтиёткорлик билан қовлаб турилади. Қайнаб чиққач, оловдан олиниб; совутилади. Бу ҳол уч марта такрорланади.

Мураббо тайёр бўлишидан 5 дақиқа олдин лимон кислотаси қўшилади. Шунда ранги ва мазаси яхши бўлиши билан бирга шакар йиғмайди.

Масаллиқлар: 1 кг. ўрикка 1 кг. шакар ва 0,5 стакан сув, чой қошиқ лимон кислотаси.

Иккинчи усул: Тозаланган ўрик устига иссиқ қиём қўйилиб, 5 дақиқа қайнатилади, кўпиги олиниб, совигач човли билан мевалари қиёмдан ажратилади. Совиган қиём 5 дақиқа қайнатилади. Қиёмга ўрик донлари ва лимон кислотаси солиб, паст оловда 5 дақиқа қайнатилади, қайнаб турган пайтда банкага солиб ўраб қўйилади.

Масаллиқлар: 1 кг. ўрик, 1 кг. шакар ва 0,5 литр сув ва бир чой қошиқда лимон кислотаси.

Ўрик пирог

Унга парракланган маргарин қўшиб, яхшилаб аралаштирилади. Унга 1 дона тухум, шакар ва туз қўшиб хамир қориларида ярим соат тиндириб қўйилади.

Ўрик (ёки унинг мураббоси) га тухум оқи (кўпиртирилган), творог, шакар (150 гр), ванилин ва тухум сариғи қўшилади. Тайёр масаллиқ хамир устига суртилиб, газ духовкасида 45-50 дақиқага паст оловда пиширилади.

Масаллиқлар: 300 гр. ун, 375 гр. шакар кукуни, 3 дона тухум, 200 гр. маргарин, 200 гр. творог, 1 чой қошиғида ванилин, туз.

Уйку аёллик гармонини оширади



Уйку организмни чиниқтириб, аъзолар фаолиятини меъёрлаштиради. Ҳар куни 8-9 соат ухлаш керак. Аёллар қанча кам ухласа, организм шунча кам аёллик гармонини ишлаб чиқараркан. Уйкусизлик эстроген микдорининг тушиб кетганидан дарак беради.

Олмали пирог

Сариёғ шакар билан аралаштирилиб, унга тухум сариғи қўшилади. Тухумнинг оқи кўпик ҳосил бўлгунча кўпиртирилиб, сўнг майдаланган ёнғоқ, қирғичдан ўтган олма, қотирилган нон ёки печенье қўшиб хамир қориларида. Қолипга ёғ суртиб, озгина ун сепаб, хамир жойлаштирилади. Газ духовкасида пиширишдан аввал юзига парракланган олма терилади. Безаш учун қанд упаси, рангли доначаларидан фойдаланилади.

Масаллиқлар: 120 гр. сариёғ, 100 гр. шакар упаси, 6 дона ёнғоқ, 4 дона пишган олма, қотирилган нон ёки печенье.


Олма озишга қарши

Организмни турли хилт ва токсинлардан тозалашда мевали парҳез бехатар ва самарали усул ҳисобланади. Бунинг учун ширин олма нави танланади. Олти кунлик парҳез давомида 9 кг. олма истеъмол қилинади. Биринчи кун — 1 кг; иккинчи кун — 1,5 кг; учинчи кун — 2 кг; тўртинчи кун — 2 кг; бешинчи кун — 1,5 кг; олтинчи кун — 1 кг.

Парҳез кунлари бошқа нарса ейиш маън этилади. Асал ёки лимон солинган 2 стакан қайнатилган сув ичса бўлади. Бунда организм тозаланади. Муолажани тез-тез қўллаш саломатликни яхшилаб, инсонни яшартиради.

Сабзи қоматни кўркам қилади

Ҳар куни икки дона сабзи-ни қирғичдан чиқариб, сут қўшиб истеъмол қилсангиз, қонни тозалаш билан бирга, қоматни тик ва кўркам қилади.



Эпли хотин — сепли хотин

Қовурилган гўшт лаззатли пўстлоқ ҳосил қилиши учун, пиширишдан сал олдин гўштга ўсимлик ёғи суртиб қўйинг.

Ёғни мис идишда сақламанг, таъми бузилади.

Музлатгичда ёқимсиз ҳид пайдо бўлса, 1-2 бўлак қора нон қўйинг, ҳид йўқолади.

Қаттиқ гўштни квас, қатиқ ёки сиркага солиб қўйсангиз, юмшоқ бўлиб пишади.

Қовуннинг пишган-пишмаганини билиш учун унинг учини босиб кўриш керак. Пишган қовуннинг учи юмшоқ бўлади.

Овқатни шўр қилиб қўйсангиз, ташвишланманг. 2-3 дона хом картошка солсангиз олам гулистон.

Шўрвани паст оловда пиширсангиз, тиниқ ва лаззатли бўлади.

Шўрванинг кўпиги аралашиб кетган бўлса, бир пиёла совуқ сув солсангиз, кўпик юзага чиқади.

Пишган шўрвада лавр япроғини қолдирманг. Таъми ўзгаради.

Сўлиб қолган ош кўкларни сиркали сувга ботириб қўйсангиз, асл ҳолига қайтади.

Бутун картошка қайнаганда ёрилиб кетмаслиги учун бир неча жойи-

дан тешиб қўйинг.

Саримсоқ егандан кейин, кашнич чайнасангиз, ҳиди оғизда қолмайди.

Пиёз чиройли қизарсин десангиз, ёққа шакар солинг.

Қуйкум боғлаган идишга лимон пўстлогини солиб, 10 дақиқа қайнатсангиз, тозаланади.

Тухумнинг сифатини билиш учун ёруғликка тутиб кўринг, қора доғлар кўринса, тухумнинг сифати бузилган бўлади.

Хамир тез

етилмаса, сал қизиган газ духовкасига қўйинг, дарров етилади.

Торт қолипдан ажралмаса, иссиқ нарса устига қўйинг. Шунда қолипдан кўчади.

Вафли пиширганда сут ўрнида минерал сув қўшсангиз, сочлувчан ва қарсилдоқ бўлади.

Пашша қўнган қандилни сиркали илиқ сувда артинг.

Ромни бўяшдан аввал, ойнани пиёз ёки сирка хўлланган латта билан артсангиз, бўёқ тез кетади.

Уйингиз хушбўй ҳидга тўлсин десангиз, электр лампани ёқшдан аввал бир неча томчи атир сепинг. Чироқ ёнғач, уй ажиб тароватга тўлади.

Муҳайё НУРМЕТОВА тайёрлади

Фойдали, керакли...

Одеколон ва атир доғини глицерин билан артилса кетади.

Венегрет салати учун тайёрланган сабзавотларни аралаштиргандан сўнг ёғ қўшсангиз, у қизил лавлагини ёғ билан аралаштириб, кейин қолган сабзавотларни қўшиш керак.

Венегрет учун пиширилган картошкага сирка қўшилса, чиройли бўлади.

Сабзавот қайнаган сувни тўкиб юбормай, совитиб хона гулларига қўйилса, гуркираб ўсади.

Ўтмас қайчи билан қумли қоғозни кессангиз чарчланади.

Картошка пўстини яхшилаб ювиб, гиламга сочиб юбориб, кейин супурилса, гилам тоза бўлади.

Қўлга ҳар куни бир неча марта крем сурсангиз, барқутдек майин, юмшоқ бўлади.

Майизли пишириқ тайёрлаганда майизни яхшилаб ювиб, ун билан аралаштириб юборсангиз, бир текис жойлашади.

Хлорли сувда тўлдирилган ҳавзада чўмилиш зарарли. Чунки ундан ажралиб чиққан моддалар нафас йўллари ва ўпкани шикастлайди.

Карам ва гулкарам саратон касаллигининг олдини олади.

Кўп ичкилик ичганда организмда магний ва витамин камаяди. Банан ва ёнғоқ истеъмол қилиш унинг ўрнини босади.

Сабзавотларни қаттиқ қайнатманг, сифати ўзгаради.

Турп қўшилган салатга бироз қовурилган пиёз қўшилса, мазали бўлади.

Салат учун ловияни пиширганда идишнинг қопқоғини очиб қўйиш керак.

Салатга керакли сабзавотларни қайнатаётганда, идишнинг қопқоғини ёпиб қўйинг, шунда улардаги витамин сақланиб қолади.

Сут сақланган идишни аввал совуқ, сўнгра иссиқ сувда ювсангиз, тоза бўлади.

Гулкарамнинг ҳидини кетказиш учун қовуришдан олдин илиқ сувга укроп ва лавр япроғи солиб, 5 дақиқа гулкарамни ботириб қўйинг.

Тери қуёшда куйса, 2 қошиқ қаймоқ, 1 қошиқ ўсимлик ёғи ва битта тухум сариғини яхшилаб аралаштириб суртилади.

Тонгги шабнамни сочиққа сингдириб, оёқ артилса, фойдали. Шабнамда ялангоёқ юриш, танадаги дард-ни тортиб олади.





Эрматов яна катта саҳнада

Мусобақанинг очилиш учрашувини бошқарган ҳамюртимиз Равшан Эрматов гуруҳ босқичининг иккинчи турдан ўрин олган Англия ҳамда Жазоир терма жамоалари ўртасидаги учрашувни бошқарадиган бўлди.

Вольфганг Штарк эса иккинчи тур ўйинларини очиб берадиган ЖАР ва Уругвай терма жамоалари ўртасидаги учрашувда тўртинчи ҳакам сифатида фаолият олиб боради. Учрашув бош ҳаками этиб швейцариялик Массимо Бузакка тайинланган.



Бразилия – КХДР 2:1

Ушбу жамоалар ўртасидаги беллашувда ҳисоб иккинчи бўлимда бразилиялик ҳимоячи Майкон томонидан очилди. Шундан кейин Элано орадаги фарқни иккитага оширди. Учрашув асосий вақти якунланишига бир дақиқа қолганида орадаги фарқ қисқарди.

Бразилия термаси дарвозасига киритилган тўпга Шимолий Корея терма жамоаси ҳимоячиси Чи Юн Нам муаллифлик қилди.

Эслатиб ўтамиз, қитъадошларимиз 21 июн, душанба куни Тошкент вақти билан 23:30да Португалия терма жамоасига қарши майдонга чиқади. Португалияликлар биринчи тур учрашувда Кот д'Ивуар терма жамоаси билан 0:0 ҳисобидаги дурангга имзо чекишган.



Чипта борасидаги чигаллик

Жанубий Африкада Жаҳон чемпионати учун чиқарилган чипталарнинг қалбакилаштирилиши билан боғлиқ катта жанжал кўтарилиш арафасида. Бирлашган демократлар партияси томонидан ўтказилган текширувлар кутилмаган далил-исботларни очиб берди. Маҳаллий Sowetan газетасининг 15 июндаги сонига кўра, ҳукумат молия вазирининг рухсат бермаганлигига қарамасдан, амалдорлар футбол учрашувини томоша қилиши учун 6 млн. ренд (7,5 ренд \$1 га тенг) пул сарфлаган.

Сайёҳлик вазирлиги эса 180 та чипта учун 918 минг ренднинг баҳридан ўтган. Ҳар бир чиптанинг нархи ўртача 5,1 минг рендни ташкил этган. Ундан ташқари, Савдо ва Саноат вазирлиги ҳам 320 та чиптага 4,739 миллион ренд сарфлаган. Хуллас, ҳар бир чиптанинг нархи 2 минг АҚШ долларига тўғри келган.


Кўплаб мухлисларнинг илтимосига қарамасдан ФИФА маҳаллий ишқибозларнинг Вузвзеладан фойдаланишини тақиқлашмаслигини билдирди.

Сўнгги қарор

Ташкилий кўмита аъзоси Денни Жорданнинг билдиришича, трибунада ўтирганларга хавфли томони бўлмаган вузвзелаларни тақиқлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

— Вузвзеладан ҳеч ким қурол сифатида фойдаланаётгани йўқ, — деди у. — Вузвзела — Жанубий африкалик мухлислар маданиятининг бир қисми ҳисобланади. Ҳеч ким бошқа юрт мухлисларининг кўшиқ куйлаши ёки бошқа ҳолатларини тақиқлаётгани йўқ-ку. Бу ҳам худди шундай. Африка меҳмонларни бошқалар каби қабул қилди. Уларнинг ўз уйида ўзларига тартиб ўрнатишни буёришнинг кераги йўқ.

Аргентинанинг голи



ФИФА ҳакамлар кўмитаси Аргентина ва Нигерия терма жамоалари ўртасидаги жаҳон чемпионати учрашувда гол киритилган вазиятни ўрганиб чиқди. Ёдингизда бўлса, учрашувнинг бешинчи дақиқасида Аргентина терма жамоаси ҳимоячиси Габриэл Хайнце бурчак тўпидан сўнг Нигерия дарвозасини аниқ нишонга олганди ва шу тариқа учрашув

Диего Марадона шогирдларининг кичик ҳисобдаги устунлиги билан якунланганди.

Гол киритилган вазиятда Хайнценнинг жамоадoshi — Вальтер Самуэль нигериялик ҳимоячини ёпиб, унинг Хайнцега халал беришига имкон бермаганлиги аниқланди.

ФИФА ҳакамлар кўмитаси Хайнценнинг голи ҳисобга олинмаслиги керак эди, деган қарор чиқарди. Эслатиб ўтамиз, Аргентина — Нигерия учрашувига германиялик Вольфганг Штарк бош ҳакамлик қилганди.



ВВСнинг ихтироси

Британия канали ВВС телетомошабинларга ЖАРдаги ўйинлар кўрсатилаётган вақтда вузвзелалар шовқинига гов қўйишни режалаштирмоқда. Бу чолғу асбоби атрофда турли баҳслар кетмоқда. Кўпгина телетомошабинларга унинг шовқини мутлақо ёқмаяпти. Аммо бундай чора ёқимсиз шовқиндан ташқари майдондаги бошқа овозларни ҳам тўсиб қўяди. Шу йўл билан телетомошабинлар фақатгина шарҳловчиларнинг сўзларини эшита оладилар, дея хабар бермоқда ВВС канали сайти.

Иккинчи тур ҳакамлари маълум



Жаҳон чемпионати гуруҳ босқичининг биринчи турига якун

ясаган А, В, С ва D гуруҳларининг иккинчи тур ўйинларини бошқарувчи ҳакамлар номи эълон қилинди.

Чемпионат мезбонлари «А» гуруҳи вакили ЖАР термаси ва Уругвай ўртасидаги баҳс юқорида таъкидлаб ўтилганидек, швейцариялик машҳур мутахассис Массимо Бузаккага ишониб топширилди. Гуруҳнинг иккинчи — Франция-Мексика ўйинини эса, қитъадошимиз Саудия Арабистонидан ташриф буурган Ҳалил ал-Ҳамди бошқарадиган бўлди.

Колумбиялик арбитр Оскар Руис «В» гуруҳидан ўрин олган Греция ва Нигерия ўйинида, белгиялик Франк Де Блекери эса Аргентина ва Жанубий Корея терма жамоаларининг учрашувда ҳакамлик қилади.

«С» гуруҳининг 2-турдан ўрин олган дастлабки Словения ҳамда АҚШ термалари иштирокидаги учрашувда малилик Коман Кулибали жамоаларни майдонга бошлаб чиқади. Эрматов бу турда Англия ва Жазоир футболчиларининг хатти-ҳаракатларига «кўз-қулоқ» бўлиб туради.

«D» гуруҳи вакиллари Германия-Сербия учрашувини испан рефериси Альберто Ундиано Мальенко томонидан,

Гана-Австралия ўйини эса, италиялик мутахассис Роберто Розетти томонидан бошқарилади.

Биринчи турнинг қолган икки ўйини Гондурас — Чили ва Испания — Швейцария термалари ўртасидаги учрашувлар кеча бўлиб ўтди.

2-ТУР


ЖАР — Уругвай	16.06.2010 23:30
Аргентина — Жанубий Корея	17.06.2010 16:30
Греция — Нигерия	17.06.2010 19:00
Франция — Мексика	17.06.2010 23:30
Германия — Сербия	18.06.2010 16:30
Словения — АҚШ	18.06.2010 19:00
Англия — Жазоир	18.06.2010 23:30
Голландия — Япония	19.06.2010 16:30
Гана — Австралия	19.06.2010 19:00
Камерун — Дания	19.06.2010 23:30
Словакия — Парагвай	20.06.2010 16:30
Италия — Янги Зеландия	20.06.2010 19:00
Бразилия — Кот-д'Ивуар	20.06.2010 23:30
Португалия — КХДР	21.06.2010 16:30
Чили — Швейцария	21.06.2010 19:00
Испания — Гондурас	21.06.2010 23:30

Касаба

уюшма спорти

Гулистон шаҳридаги Марказий ўйингоҳда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ташаббуси билан соҳа ходимлари ўртасида спортнинг олти тури бўйича спартакиада бўлиб ўтди.

Натижалар салмоқли



Шахмат-шашка бўйича мусобақаларда Боёвут ва Сайхунобод тумани вакиллари ўзларининг устунликларини намойиш этди. Шахмат бўйича эркаклар ўртасида бўлиб ўтган беллашувда голиблик боёвутлик Анвар Хайлаевга, аёллар ўртасида эса Сайхунободлик Наврўза Хидировага насиб этди.

Умумжамоа ҳисобида Сирдарё, Сайхунобод, Мирзобод туманлари жамоалари кучли учликдан жой олдилар.

Анорбой НОРҚУЛОВ

Янгибозорда футбол мусобақаси


Юқоричирчиқ туманидаги Марказий ўйингоҳда вояга етмаган ёшлар ўртасида футбол мусобақаси ташкил этилди.

Ушбу тадбир Ўзбекистон халқ демократик партияси туман кенгаши, савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси туман вакиллиги ҳамда таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман бирлашган кўмитаси саъй-ҳаракати билан уюштирилди. Туман миқёсидаги маҳаллалараро футбол мусобақасида 1996-1997 йилларда туғилган ёшлар жамоалари қатнашди.

Қизгин беллашувлар остида ўтган мусобақада биринчи ўринни «Янгибозор» футбол жамоаси, иккинчи ва учинчи ўринни «Султонравот» ҳамда «Трактор» жамоалари эгаллади.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқоричирчиқ тумани

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши жамоаси «Ўзбек-бирлашув» АҚнинг собиқ муовини, савдо фахрийси Рим НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.



Индонезияда зилзила

16 июн куни Индонезиянинг шарқий қисмида рихтер шкаласи бўйича 7,1 балли зилзила содир бўлди. Хабарларга қараганда, маҳаллий ҳокимият худудда цунами хавфи борлигини эълон қилгач, аҳоли ваҳимага тушиб, турар жойларини ташлаб кета бошлаган.

Мутахассисларнинг аниқлашича, силкинишлар Фарбий Папуадаги «Биак» оролидан 123 километр масофада қайд этилган. Аввалроқ ҳам худди шу ерда 6,2 балли зилзила содир бўлган эди.

Маҳаллий аҳоли вакиллари сўзига қараганда, силкинишлар тахминан 40 соғия давом этган. Қурбонлар ва кўрилган талофат ҳақида эса ҳозирча маълумот йўқ.

Халқаро жиноятчиликка яна бир зарба

Испан полицияси Европа ва АҚШлик қонун ҳимоячилари ҳамкорлигида икки йиллик тайёргарликдан сўнг ўтказилган махсус операцияда халқаро жиноий гуруҳнинг 178 аъзосини қамоққа олди. Маълумотларга кўра, дунёнинг 14 мамлакатда 84 та операция ўтказилган. Натижада, банк ҳужжатларини қалбакилаштирувчи 11 та цех, беш мингга яқин кредит карточкалари, 120 мингга банк ҳисоб-рақамлари фож қилинган.



Қамоққа олишлар жиноий гуруҳнинг асосий қисми жойлашган деб тахмин қилинаётган Испаниядан ташқари, АҚШ, Франция, Руминия, Финляндия, Ирландия, Германия, Австралия ва бошқа мамлакатларда ҳам амалга оширилган. Тахминий ҳисобларга қараганда, жиноий гуруҳ фаолиятдан тушган маблағ 20 миллион евродан ошади.

Полиция берган маълумотларга қараганда гуруҳ аъзолари молиявий жиноятлардан ташқари, товламачилик, фирибгарлик, босқинчилик, фоҳишабозликни ташкил этиш билан ҳам шуғулланган.


Қадри қийматидан баланд асарлар

Сешанба куни Лондондаги «Sotheby's» аукционидан барчамизга таниш бўлган ҳинд ижодкори Рабиндранад Тагор ижодига мансуб 12 та суратдан иборат тўплам 1,5 миллион фунт (2,2 миллион АҚШ доллари)га сотилди.

Аукцион ташкилотчиларининг қайд этишича, ушбу тўплам Тагорнинг ҳозиргача сотувга қўйилган барча асарларидан энг қиммат баҳоланганларидир. Барча суратлар дастлабки қўйилган нархларидан бир неча баробар кўтарилган. Масалан, «Исмсиз аёл портрети» номли асар дастлаб 30-40 минг фунтга баҳоланган бўлса, биров вақт ўтиб 313

мингга сотилган. Асарларни ким сотиб олгани ҳақида маълумот берилмади.

Маълумки, Рабиндранад Тагор (1861 - 1941) нафақат рассом, балки ёзувчи ва шоир, бастакор бўлган. Бундан ташқари, Тагор адабиёт йўналиши бўйича ягона ҳинд



Нобел мукофоти соҳибидир: у бу мукофотга 1913 йил сазовор бўлган. Шунингдек, у Ҳиндистон ва Бангладеш давлатлари мадҳияларининг муаллифидир.

Йўлбарсларни заҳарлаган маъмурлар

Германиянинг Магдебург шаҳрида жойлашган ҳайвонот боғининг директори уч нафар йўлбарс боласини ўлдиришда айбланмоқда. Айни пайтда суд директорнинг жониворларни заҳарлаб ўлдириш ҳақидаги қарори асослими ёки ҳайвонларни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунларни бузиш ҳисобланадими — шунини текширмоқда.

Маълум бўлишича, мутлақо соғлом бўлган йўлбарс болалари 2008 йил майда заҳарланган. Бунга сабаб, уларнинг отаси ҳақиқий амур йўлбарси эмаслиги аниқланган. Ҳайвонот боғи маъмурияти эса уларни боқишга яроқсиз деб топган. Ҳайвонларни муҳофаза қилувчилар эса бу ҳолатни инсонийликка зид ва қонунга хилоф ҳисоблаб, судга мурожаат қилган.

Ҳайвонот боғи директоридан ташқари яна уч киши: врач-ветеринар, ҳайвонот боғи назоратчиси ва бир маъмурият ходими қора курсидан жой олган. Агар суд айбдор деб топса, уларни 3 йилгача қамоқ жазоси ёки катта миқдорда жарима кутмоқда.



Интернет хабарлари асосида Нодирбек ШОМУРОДОВ тайёрлади

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 10.05.2010 йилдаги № 10-1015/2647-сон ижро варақасига асосан умумий майдони 13 кв.м., бўлган Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Чимбой ва Мухбир кўчалари чорраҳасида жойлашган дўкон биноси қўйилмоқда, **бошланғич нархи – 9200 000 сўм.**

Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 17.02.2010 йилдаги № 1-9/10-сон ижро варақ, асосан 1986 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 10 R 251 AA, бўлган «ВАЗ-21063» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 1 880 000 сўм.**

2. 01.06.2010 йилдаги № 16197-сон ижро ҳужжат, асосан 2004 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 30 J 4066 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 9 338 434 сўм.**

3. 09.11.2009 йилдаги № 18213-сон ижро ҳужжат, асосан 2001 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 30 W 1996, бўлган «Мерседес Бенц Е200К» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 21 152 000 сўм.**

4. 22.01.2010 йилдаги № 1136-сон ижро ҳужжат, асосан 1999 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 12 АВ 256 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 3 495 000 сўм.**

5. 23.04.2010 йилдаги № 12061-сон ижро ҳужжат, асосан 1983 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 30 Q 6568 бўлган «ВАЗ-21061» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 1 753 000 сўм.**

6. 05.04.2010 йилдаги № 10445-сон ҳужжат, асосан 2003 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 11 В

7214 бўлган «Нексия Донс» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 9 476 000 сўм.**

7. 23.04.2010 йилдаги № 12063-сон ижро варақ, асосан 2008 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 11 K 7364 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 8 108 000 сўм.**

8. 23.04.2010 йилдаги № 12062-сон ижро ҳужжат, асосан 2007 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 90 H 790 AA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 8 669 000 сўм.**

9. 23.04.2010 йилдаги № 12069-сон ижро ҳужжат, асосан 1989 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 11 Z 87 06 бўлган «ВАЗ-2108» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 2927 000 сўм.**

Аукцион савдосига Бектемир тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ Ахборот маркази ашёлар сақлаш омборхонасида сақланаётган кўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 19.04.2010 йилдаги № 1-271-сон ижро варақ, асосан 1975 йилда ишлаб чиқ, дав. бел. 11 T 5560 бўлган «ВАЗ-2101» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 1 264 839 сўм.**

2. 15.01.2010 йилдаги № 1-873-сон ижро варақ, асосан 1977 йилда ишлаб чиқ, дав. бел. 11 P 4749 бўлган «ВАЗ-2103» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 1 358 336 сўм.**

3. 14.09.2009 йилдаги № 1-674-сон ижро варақ, асосан 1963 йилда ишлаб чиқ, дав. бел. 11 K 2070 бўлган «М21УС» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 6 577 632 сўм.**

4. 10.08.2009 йилдаги № 1-298-сон ижро варақ, асосан 2005 йилда ишлаб чиқ, дав.бел.

30 P 1291 бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 8 998 020 сўм.**

5. 18.06.2009 йилдаги № 1-356-сон ижро варақ, асосан 1999 йилда ишлаб чиқ, дав.бел. 30 R 5064 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 7 052 352 сўм.**

6. 04.03.2010 йилдаги № 2-040-сон ижро варақ, асосан 2007 йилда ишлаб чиқ, дав. бел. 01 T 592 DA бўлган «Ниссан алтима» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 65 000 000 сўм.**

7. 23.07.2009 йилдаги № 1-332-сон ижро варақ, асосан ишлаб чиқ, номаълум дав. бел. 10 A 0572 бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 15 611 082 сўм.**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 19.07.2009 йилдаги 11675/15-сон ижро ҳужжатига асосан «Шайхонтоҳур Инвест» жарима майдончасида сақланаётган 2006 йилда ишлаб чиқар, дав. бел. 30 L 6661 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, **бошланғич нархи – 11554 009 сўм.**

1. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.02.2010 йилдаги 2-125/09-сон ижро варақасига асосан Ўз.Рес.Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида сақланаётган 2006 йилда ишлаб чиқар, дав. бел. 10 BG 674 бўлган «ВАЗ21150-120-20» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, **бошланғич нархи – 8000 000 сўм.**

Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан МФЖ «Гулбахор Матлубот Савдо» автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. 15.11.2009 йилдаги № 5-1417-сон ижро варақ, асосан ишлаб чиқ, йили номаълум дав. белгисиз бўлган «GAZ 322130» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 8 056 346 сўм.**

2. 24.08.2009 йилдаги № 683-сон ижро варақ, асосан ишлаб чиқ, йили номаълум дав. белгисиз бўлган «Opel Vektra 20i» русумли автотранспорт воситаси, **бошланғич нархи – 7 303 017 сўм.**


Аукцион савдолари 2010 йилнинг 20 июл куни соат 11:00 да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-ўйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар ва автотранспорт воситалари 20 июлдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 5 август куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С.Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИИН 206 852 268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрозчилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 №000003

Табиат ва биз



«Дарахтлар ҳам одам...»

Ешлигимда севиб томоша қилганим «Дерсу Узала» фильми қахрамонининг: «Дарахтлар ҳам одам...» дегани ҳеч эсимдан чиқмайди.

Фаллаорол тумани Ғўбдинсой қишлоғида боғ барпо қилган Соат Ирисбоев юқоридаги фикрни ривожлантирди: «Дарахт ҳам худди одамдай гапирди. Фақат уни эшитадиган, дардини тинглаб, вақтида озигини берадиган боғбон керак...»

Сойлик орасида яратилган боғни кўриб, отахоннинг гапларида теран маъно борлигини ҳис қиласиз. Ўзи оламни тарк этган бўлса-да, яратган боғи жонли ҳайкал бўлиб, йўловчиларга саховатли боғбон ҳақида сўзлаб турибди. Боғбон бу ерга қандай дарахт кўчатлари экишни билган. Тоғ шароитига мос, ўса оладига-

ана шундай саховатдан эсдалик...

Ҳар йили баҳорда фалонча мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди, дейилади. Агар уларнинг ҳаммаси кўкарсин, ҳаммаёқ аллақачон ўрмон бўлиб кетарди. Сувсизликдан куриб қолган, шохлари синдирилган, пайҳон қилинган, молга едилган дарахтларни кўриб ачинасан киши.

Ўтган асрнинг 70-йилларида ихоталаштириш, чўлларни боғу бўстонга айлантириш шиори остида табиатимизга мос келмайдиган чинор, акация дарахти ниҳоллари кўп экилди. Деярли ҳар бир ту-

кўркам бўлишига ҳисса қўшяпти, балки тадбиркорларга ҳам ниҳол етказиб бераяпти.

— Япон сафораси табиатнинг таъсирчанлигини оширади, барглари тез тўкилиб кетмайди, ўздан хушбўй ҳид таратади. У Жиззахнинг иқлим шароитига яхши мослашди. Шунинг учун уруғидан кўчат етиштиришга киришдик. Бундан катта фойда олаяпмиз, — дейишди ўрмон ходимлари.

Кейинги пайтда терак кўчатини етиштирадиган боғбонлар кўпаяётгани ҳам қувончли ҳол. Мирзатерак, бақатерак каби бебаҳо дарахтлар, биринчидан, бизнинг иқлимга

нини танлаган. Гоҳо хиёбон, кўча-кўй ва майдонларга экилган, аммо кўп ўтмай куриб қолган ниҳолларни кўриб, афсусланамиз. Дарахт кўчатини экаётган киши у ҳақда етарли маълумотга эга бўлиши керак-да ахир!

Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалласида яшовчи оқсоқол, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Фанижон Обидов ташаббуси билан 6,5 гектар боғ яратилди. Фанижон ота ҳақида гап кетганда, маҳалладошлари: «Агар кўкланда борадиган бўлсангиз, отахонга иккитагина мевали дарахтнинг кўчатини олиб беришни унутманг!» дерди. Боғ

манда «Минг чинор» номи пайдо бўлди. Чинордан «хиёбон» қилганлар унинг «фойда»сини билармиди?! Ҳар донасини фалон сўмга сотиб олиб, экилган чинордан қандай фойда кўрилади? Шохига ҳатто қуш уя қўймайди, турли аллергия кассалликларининг юзага келишига сабабчи бўлади. Шу боис мамлакатимизда япон сафораси дарахт кўчатларини кўплаб етиштириш ва уларни хиёбонларга, йўлларга экишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жиззах Давлат марказий ўрмон хўжалиги жамоаси бу борада талайгина ишлар қилаяпти. Жамоа нафақат истироҳат боғи ва хиёбонларнинг

мос, иккинчидан, катта фойда келтиради.

Узоқ йиллар «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган Умар Умиров қаерга меҳмон бўлиб борса, албатта, дарахтлар билан қизиқади. Сурхондарёлик дўстларидан атайлаб терак новдалари олиб келиб, кўчат етиштиришга киришди. Уч йил ичида қаламчалардан тайёрланган минглаб туп тераклар мирзачўлликлар хонадонидан, истироҳат боғлари, сув ва йўл ёқаларида ўса бошлади. Ҳозир туманда теракзорлар барпо этилган.

**Пардабой
ТОЖИБОВ**



oliy baxt

МУАССИС:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Бош муҳаррир
Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ**

Таҳрир хайъати:

**Алла Долженкова,
Анвар Юнусов,
Довуд Мадиев**

(Бош муҳаррир ўринбосари),
Жаҳонгир Шарофбоев

(масъул котиб),

**Маъмура Адилова,
Мирзохид Содиқов,
Нормамат Аллаёров,
Носирхон Акбаров,
Ойсулув Нафасова,
Пиримкул Қодиров,
Соғиндиқ Ниетуллаев,
Шамси Эсонбоев**

Бизга кўнгирик қилинг:

Котибият: 256-52-78

Хатлар бўлими: 256-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди.
Бичими А-3.
Ҳажми 4 босма табоқ.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Сотувда эркин нархда

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар белгиси остида чоп этилади.

E-mail: mail@ishonch.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб:

Ж.Шарофбоев

Навбатчи:

Ш.Абдусаматов

Мусахҳих:

С.Шодиева

**Саҳифаловчи-дизайнер:
Ҳ.Абдуҷалилов**

**Босишга топшириш вақти - 23.15
Топширилди - 00.00**

Буюртма Г-551

Тиражи: 18774

ISSN 2010-5002

2345

Ўз — 2010



Қашқадарё вилоятидаги мавжуд 19та оромгоҳда ёзги таътил кунларида болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун пухта тайёргарлик кўрилди.

Суратда:
«Лочин» оромгоҳидан лавҳа.

**Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА)
олган сурат**

«Кимёгар» кўйнида

Қувасой шаҳрининг «Қобилбек» қишлоғи хушманзара ва сўлим, баҳаво ғўшасига жойлашган «Кимёгар» болалар дам олиш оромгоҳи ўқувчиларнинг сеvimли ҳордиқ чиқариш масканига айланган.

«Фарғонаазот» очик ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги ушбу маскан мавсумга ҳар қачонгидан пухта тайёрланди.

— Бу йил корхона жамоаси аъзоларининг 960 нафардан зиёд фарзандлари дам олдирилади, — дейди оромгоҳ раҳбари Зокиржон Умаров.

Мавсум мароқли ўтади

Оромгоҳларга жалб этилмаган болаларнинг мавсумни мароқли ўтказиши учун Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими томонидан 4 та мактаб қошида оромгоҳлар фаолияти йўлга қўйилди. Айни кунда 500 нафар ўқувчи у ерда кўнгили ҳордиқ чиқармоқда.

Ўқувчилар вақтини сермазмун ўтказишга эришиш мақсадида мазкур оромгоҳларда спортнинг 11 та тури бўйича тўғарақлар ташкил этилган.

Ўтказиладиган турли мусобақалар уларда жисмоний чиниқлишни оширишга ҳамда болалар спортини умумхалқ ҳаракатига айлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бундан ташқари, уларнинг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда касб-хунарга йўналтирувчи тадбирлар мунтазам ўтказилади.

Ҳар бир оромгоҳга 600 нафардан бола 4 босқичда жалб этилади. Мавсум охиригача

6000 нафар ўқувчининг дам олдирилиши режалаштирилган.

Ўқувчилар дам олиш билан бирга, ҳайвонот боғи, кино-театрларга ташриф буюрадилар. Шунингдек, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишади.

**Ширмоной АСРАНОВА,
Мирзо Улуғбек туман халқ таълими бўлими маънавий-маърифий ишлар бўйича мутахассиси**

Гулистон шаҳрида вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ҳамда «Камолот» ЕИХ вилоят бўлими ҳамкорлигида «Мадхнингни куйлаб юксалгум, Ватан» деб номланган ёшлар форуми бўлиб ўтди. Вилоят ёшларини ўз бағрига чорлаган бу тадбир мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланди.

Ёш ижодкорлар форуми

Анжуманда пойтахтдан ташриф буюрган Усмон Азим, Собир Ўнар, Рустам Мусурмон, Махаммад Исmoil каби таниқли ижодкорлар иштирок этиб, ёшларга самимий дил истакларини билдирди. Ёш қаламкашлар ижод намуналаридан ўқиб беришди.

Вилоят ҳокими Ойбек Ашурматов Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг ёш ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлигини алоҳида таъкидлади. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби Ҳаётхон Ортиқбоевага «Матиз» автомашинасининг калитини топширди.

Ёшлар форуми вилоят санъаткорлари ижросидаги катта концерт дастури билан ниҳоясига етди.

**Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Ishonch»нинг
жамоатчи муҳбири**